

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

«БАНК – МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ» ФАКУЛТЕТИ

«МОЛИЯ ВА СУҒУРТА ХИЗМАТЛАРИ» КАФЕДРАСИ

**«Химояга тавсия этилди»
«Молия ва суғурта хизматлари»
кафедраси мудир, проф.
Зайналов Ж.Р.
2013 йил «27» май**

**“Суғурта иши” таълим йўналиши
СИ-109 гуруҳ талабаси Абдуллаев Бекзоднинг**

**«Суғурта полисларини ҳуқуқий жихатдан расмийлаштиришни
такомиллаштириш йўллари (“Ўзагросуғурта” ДАСК Булунғур туман
бўлими маълумотлари бўйича)» мавзусида**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: и.ф.н. Хусанов Б.Ш.

**Илмий маслаҳатчи: Туробов Б. -
“Ўзагросуғурта” ДАСК Булунғур
туман бўлими бошлиғи**

САМАРҚАНД - 2013

Мундарижа

Кириш.....	4
1-Боб. Юридик шахслар билан суғурта қилиш шартлари ва уларни амалга оширишнинг хусусиятлари	
1.1. Суғурталовчи ва суғурта қилдирувчилар ўртасида юзага келадиган суғурта шартлари ҳақида тушунча.....	11
1.2. Суғурта шартномасини тузишда суғурта агентини вазифалари ва унга амал қилиш зарурияти.....	17
1.3. Суғурта шартномасида суғурта мукофотлари ва уларни тўлаш шартлари.....	19
2-Боб. Суғурта полисларини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришга амал қилиш тартиби	
2.1. Суғурта полисларини расмийлаштиришда суғурта шартномасига амал қилишга таъсир этувчи омиллар.....	25
2.2. Суғурта полисларини расмийлаштиришда суғурта шартномасига асосан суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қопламасини тўлаш тартиби.....	30
2.3. Суғурта қопламаларини ҳисобга олишга таъсир этувчи суғурта ҳодисалари таҳлили.....	33
3-Боб. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурта полисларини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришни такомиллаштириш йўллари	
3.1. Суғурта қопламаларини ўсишга таъсир этувчи омилларни хусусиятлари ва уларни тартибга келтиришни ривожлантириш йўллари.....	38
3.2. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурталовчига кўрилган зарарларни қоплашни тартибга солувчи ҳуқуқларни бошқариш йўллари.....	47
3.3. Суғурта тўғрисидаги аризани расмийлаштиришни ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўллари.....	51

4-БОБ. «Ўзагросуғурта» ДАСК Булунғур туман бўлимида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари	
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	60
4.2. “Ўзагросуғурта” ДАСК Булунғур туман бўлими ходимлари меҳнат фаолияти муҳофазасини ҳолати.....	62
4.3. “Ўзагросуғурта” ДАСК Булунғур туман бўлими ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлар.....	65
4.4. “Ўзагросуғурта” ДАСК Булунғур туман бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга ошириб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари.....	70
Хулоса.....	74
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	76

Кириш

Мамлакатимиз иқтисодиёти барқарор тараққиётини таъминлашда суғурта хизматларини ривожлантириш алоҳида аҳамият касб этади. Суғурталовчилар суғурта муносабатлари орқали аҳолии ва ташкилотлар ихтиёрида бўлган бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг турли жабхаларига инвестиция қилади. Бундан ташқари, суғурта ходисалари рўй бериши натижасида етказилган молиявий зараларни қоплаш билан боғлиқ пул маблағларини тўғри ҳисоб китобини юритиш муҳим аҳамият касб этади. Суғурта компанияларида амалга ошириладиган турли хужалик операциялари, иш юритиш харажатлари ҳамда зарарларни қоплаш учун сарфланган маблағлар тўғри молиявий натижалар ва ишончли молиявий ҳисоботни тузишни талаб қилади.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини янада жадаллаштиришда суғурта бозорини ташкил қилишни ва муваффақиятли фаолият кўрсатиши муҳим аҳамият касб этади. Бугунги кунга келиб Ўзбекистон Республикасида суғурта бозори фаолияти аҳолини турли хил рисклардан ҳимоя қилишда, бўш маблағларини мақсадли ишлатишда самарали натижа бермоқда.

Иқтисодиётни модернизациялаш шароитида Ўзбекистон иқтисодиётида суғурта полисларини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришга бораётганлиги кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Бугунги куннинг энг долзарб муаммоси - бу жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири ва салбий оқибатлари, юзага келаётган вазиятдан чиқиш йўллари излашдан иборат¹... Жаҳон молиявий инқирозининг ҳар бир мамлакатга таъсири, ундан кўриладиган зарарнинг даражаси ва кўлами биринчи навбатда шу давлатнинг молиявий-

¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. – 4 б.

иқтисодий ва банк тизимларининг нечоғлик барқарор ва ишончли эканига, уларнинг ҳимоя механизмлари қанчалик кучли эканига боғлиқлигини исботлашга ҳожат йўқ...»².

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишида ва уларни молиявий фаолиятида кўрилиши эҳтимол бўлган йўқотишлардан ҳимоялашда суғурта полисларини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш катта аҳамиятга эга бўлиб келмоқда.

Суғурталовчилар томонидан салоҳиятли мижозларни суғурта ҳимоясига жалб этишда суғуртачиларнинг манфаатига мос келадиган суғурта шартномаларини тузиш суғурта жараёни ривожланишига ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ўзбекистонда суғурта соҳасини ривожлантириш юзасидан қабул қилинаётган қатор фармон ва қарорлар суғурта полисларини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш янги босқичга чиқишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу билан бирга, иқтисодиётни модернизациялаш шароитида миллий суғурта тизимида суғурта полисларини расмийлаштириш билан боғлиқ қатор муаммолар вужудга келаётганлиги боис, умумий навбатда суғурта полисларини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштириш ҳамон пастлигича қолмоқда. Бунинг сабабларидан бири шуки, қонунчилик ҳужжатларида суғурта полисларини расмийлаштириш мажбурий шаклда ўтказилиши кўрсатилган бўлса-да, унинг ижросини таъминлаш юзасидан қонуности ҳужжатлар қабул қилинмаганлигидир.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Бозор шароитида суғурта муносабатларини ташкил этиш, уни давлат томонидан тартибга солиш назарияси ва амалиёти муаммолари бўйича кенг илмий тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан, хорижий мамлакат олимлари В.Ю. Абрамов, В.Н. Бурков, Е.И. Ивашкин, В.В. Шахов, Р.Т.Юлдашев, И.Юргенс ва бошқалар³

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. -7 б.

³ Абрамов В.Ю. Страхование: теория и практика. – М.: Волтерс Клувер, 2007. – 512 с.; Ивашкин Е.И. Взаимное страхование: теория, потребность, проблемы организации и

тадқиқотларида суғурта муносабатлари, суғурта хизматлари бозорининг ташкилий-иқтисодий асослари, ривожланиши қонуниятлари ҳамда механизмлари тадқиқ этилган. Бошқа бир гуруҳ хорижий олимлар В.Б. Гомелля, А.Н. Зубец, В.В. Тулинов, В.В. Шахов ва бошқаларнинг⁴ илмий ишларида суғурта фаолиятида маркетингни ташкил этиш ҳамда хатарларни бошқаришнинг методологик асослари таклиф этилган. Шунингдек, суғурта полисларини ҳуқуқий жихатдан расмийлаштиришнинг илмий-услубий ҳамда амалий масалалари С.П. Ефимов, Л.Н. Ключенко, И.Н. Кожевникова, М. Портер, Г.В. Чернова ва шу каби олимлар⁵ ишларида ўрганилган. Уларнинг тадқиқотлари суғурта полисларини ҳуқуқий жихатдан расмийлаштириш, бозор рақобати шароитида улар устунликларини амалга ошириш ҳамда суғурта бозори кўламини кенгайтириш йўллари кўриб чиқилган.

Шу билан бирга уларнинг тадқиқотларида асосий эътибор суғурталовчиларнинг молиявий ҳолати, тўловга қодирлиги, суғурта захиралари ва тарифларининг шаклланиш механизмлари, суғурта муносабатларининг алоҳида жараёнларига қаратилган.

Ўзбекистонда суғурта полисларини ҳуқуқий жихатдан расмийлаштиришни такомиллаштириш муаммоларига Қ. Абдурахманов, Б. Ашрафханов, Ж.Зайналов, А.Мадиев, М. Мирсадиқов, Н. Махмудов, Ш. Имамов, Х. Кариев ва бошқа олим ва мутахассисларнинг тадқиқот ишлари

развития. – М.: РЭА им. Г.В.Плеханова, 2000. – 126 с.; Шахов В.В. Введение в страхование: Экономический аспект. – М.: Финансы и статистика, 1992. – 192 с.; Юлдашев Р. Т. Организационно-экономические основы страхового бизнеса. – М.: Анкил, 2002. – 248 с.; Юргенс И. Системный подход к определению понятия «национальная система» страхования // Страховое дело. – 2000 – № 8. – С. 4-13.

⁴ Гомелля В.Б., Туленты Д.С. Страховой маркетинг (Актуальные вопросы методологии, теории и практики). – М.: Анкил, 1999. – 128 с.; Зубец А.Н. Маркетинговые исследования страхового рынка. – М: Центр экономики и маркетинга, 2001. – 224 с.; Тулинов В.В., Горин В.С. Страхование и управление риском. Терминологический словарь. – М.: Наука, 2000. – 472 с.;

⁵ Ефимов С.П. Организация управления страховой компанией: теория, практика, зарубежный опыт. – М.: МНЦ ученых МГУ, 1993. – 94 с.; Иванов В.А., Шарапова С.А. Организация и маркетинг в деятельности страховой. Ключенко Л.Н., Юлдашев Р.Т. Руководство по организации страховой компании. – М.: Анкил, 1997. – 110 с.; Кожевникова И.Н. Взаимоотношения страховых организаций и банков. – М.: Анкил, 2005. – 112 с.; Чернова Г.В. Основы экономики страховой организации по рисковым видам страхования. – СПб.: Питер, 2005. – 235 с.

бағишланган⁶. Шунини таъкидлаш лозимки мамлакатимизда суғурта назарияси ва амалиёти бўйича илмий қарашлар энди шаклланимоқда ва ҳозирги мавжуд илмий тадқиқотлар суғурта бозорини ривожланиш тенденцияларини ўрганиш ва шу асосда суғурта муносабатларини тартибга солиш, уни фаоллаштиришнинг ташкилий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий жиҳатларини ўз ичига олади. Шунини алоҳида таъкидлаш зарурки, иқтисодиёт тармоқлари ва унинг алоҳида соҳаларини бошқариш тизимларини яратишга кўплаб илмий тадқиқотлар бағишланган. Аммо суғурта муносабатларини оқилона ташкил этиш ва суғурта компанияси менежменти тизими бир-бирига боғлиқ ҳолда, амалиёт талабларига жавоб берадиган даражада тўлиқ ўрганилмаган.

Ушбу ҳолатлар ишимизнинг мавзусини танлашга, тадқиқот объекти ва предметини ҳамда унинг мақсади ва вазифалари доирасини белгилаб олишга асос бўлди.

БМИнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. БМИ Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтида “Хизмат кўрсатиш соҳасининг инновацион ривожланишини ташкил этиш муаммолари” мавзуси бўйича олиб борилаётган тадқиқотлар режасига киради.

Тадқиқот мақсади. Суғурта полисларини ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштиришни такомиллаштириш бўйича илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш ҳисобланади.

Тадқиқот вазифалари. Кўрсатилган мақсадга эришиш учун БМИда қуйидаги асосий вазифалар белгиланган:

– суғурта шартномасини тузишда суғурта агентини вазифалари ва унга амал қилиш заруриятини тадқиқ қилиш;

⁶ Абдурахманов К.Х. Региональная экономика и управление: Учебник. – Т.:Fan va texnologiya, 2007. – 750 с.; Зайналов Ж., Мадиев А. Суғурта иши. Маърузалар курси. – Самарқанд: СамИСИ, 2011. – 215 б; Мирсадыков М., Ашрафханов Б. Современное состояние и тенденции развития страхового рынка Узбекистана // Страховое дело. 2001. – № 11. – С. 58-64.; Ашрафханов Б., Мирсадыков М. Основные тенденции развития страхового рынка Узбекистана //Бозор, пул ва кредит. – 2002. – № 4. – С. 38-40.; Махмудов Н.М., Баев Х.И. Ташқи иқтисодий фаолият суғуртаси. Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2006. – 178 б.; Имамов Ш.Б. Страхование как инструмент защиты бизнеса // Бозор, пул ва кредит. – 2002. – № 6. – С. 27-28.; Кариев Х.Х. Состояние и развитие страхового рынка Узбекистана //Страховое дело. – 2004. – № 10. – С. 58-63.

- суғурта шартномасида суғурта мукофотлари ва уларни тўлаш шартларини аниқлаш;
- суғурта полисларини расмийлаштиришда суғурта шартномасига амал қилишга таъсир этувчи омилларини ёритиш;
- “Ўзагросуғурта” ДАСК фаолиятини таҳлил қилиш;
- суғурта муносабатларининг ўзаро боғлиқликларини аниқлаш;
- суғурта қопламаларини ўсишга таъсир этувчи омилларни хусусиятлари ва уларни тартибга келтиришни ривожлантириш йўллари аниқлаш;
- бозор иқтисодиёти шароитида суғурталовчига қўрилган зарарларни қоплашни тартибга солувчи ҳуқуқларни бошқаришни ёритиш;
- суғурта тўғрисидаги аризани расмийлаштиришни ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўллари асослаш ва бу борада таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти ва предмети. Суғурта полисларини ҳуқуқий жихатдан расмийлаштириш тизими тадқиқот объекти ҳисобланади. Суғурта полисларини ҳуқуқий жихатдан расмийлаштириш тадқиқот предмети ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. БМИда иқтисодий таҳлил ва прогнозлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқот ғояси. БМИ тадқиқотининг асосий ғояси миллий суғурта муносабатларини ривожлантиришни такомиллаштиришдан иборат.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар:

- суғурта, суғурта муносабатлари ва суғурта полиси тушунчаларини аниқлаштириш билан ифодаланган суғурта муносабатларини шаклланишнинг назарий-услубий асослари;
- суғурта муносабатлари, полислари, мукофотлари, унда юзага келадиган қалтисликлар инобатга олувчи суғурта фаолияти;
- суғурта полисларини расмийлаштиришнинг меъёрий-ҳуқуқий тизимининг таркибий тузилмаси;

– суғурта бозорини давлат томонидан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш йўллари;

– суғурта фаолиятини истикболда ривожлантириш чора-тадбирлар мажмуаси.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Ўзбекистонда иқтисодиётни модернизация қилиш тамойилларига мос суғурта полисларини расмийлаштиришни ривожлантиришнинг институционал асосларини такомиллаштириш бўйича таклиф ҳамда тавсиялар асосланганлиги тадқиқотнинг илмий янгилигини ташкил этади, яъни:

– бозор муносабатлари шароитида суғурта полисларини расмийлаштиришнинг механизмларини такомиллаштириш йўллари ёритилган;

– суғурта фаолиятининг кўп йўналишда бўлишлиги, уларнинг шаклланиши нафақат суғурталовчи ва суғурта қилдирувчи балки инсонлар гуруҳи ҳаётининг ижтимоий, табиий ва бошқа хавфлари билан ҳамда давлат, унинг ижтимоий сиёсати, фаолият шакллари ифодаловчи бир қатор омиллар таъсири билан боғлиқлиги ёритилган;

– суғурта полисларини расмийлаштиришни шакллантирувчи суғурта муносабатларининг асосий турлари ажратилган;

– суғурта полисларини расмийлаштиришни шаклланиши ва ривожланиши даражаси, институционал муҳит, ўтиш жараёни ривожланишининг даражаси инобатга олинган;

– миллий иқтисодиётни модернизация қилиш шароитида суғурта полисларини расмийлаштиришни бошқариш моделининг таркибий қисмлари ҳамда суғурта бозорини тартибга солишнинг бевосита ва билвосита усуллари асослаб берилган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. БМИ суғурта муносабатлари тушунчаларига янги услубий ёндашишлар шакллантирилган.

БМИ натижалари суғурта полисларини расмийлаштириш амалиёти ҳақидаги билимларни тўлдиради ва суғурта муносабатларининг турли даражаларида ҳуқуқий томондан бошқариш тизимларини такомиллаштириш имкониятини беради.

Тадқиқот хулосалари ва натижаларидан Ўзбекистонда суғурта фаолиятини бошқариш механизмларини такомиллаштириш жараёнида, маъмурий ва суғурта қонунчилигини ривожлантиришда, суғурта полисларини расмийлаштиришдаги илмий-тадқиқот ишларида ва хусусан суғуртани давлат томонидан бошқариш ва тартибга солиш соҳасида, ўқув-услубий адабиётларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши ва уларнинг самарадорлиги.

Суғурта полисларини расмийлаштириш бўйича асосланган таклифлар “Ўзагросуғурта” ДАСК Пайариқ туман бўлимида жорий этилди. Бу суғурта фаолиятини бошқариш ва уни ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларни асослаш жараёнларини тезлаштиришга имконият берди (“Ўзагросуғурта” ДАСК Пайариқ туман бўлимининг 19.05.2013 йилдаги ОИ16-02-32/107 – сонли далолатномаси).

Шуниндек, БМИ Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасини йиғилишида ва илмий семинарда муҳокама қилиниб, ҳимояга тавсия этилган.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ кириш, мазмунан ўзаро боғланган 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат, умумий ҳажми 80 бет бўлиб, 4 та жадвал, 3 та диаграмма ва 5 та чизмани ўз ичига олади.

1-БОБ. ЮРИДИК ШАХСЛАР БИЛАН СУҒУРТА ҚИЛИШ ШАРТЛАРИ ВА УЛАРНИ АМАЛГА ОШИРИШНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Суғурталовчи ва суғурта қилдирувчилар ўртасида юзага келадиган суғурта шартлари ҳақида тушунча

Бозор иқтисодиёти шароитида суғурталовчи ва суғурталанувчилар ўртасида юзага келадиган муносабатларни амалга ошириш шартлари қонун ҳужжатлари асосида расмий ҳолга келтирилган. Ушбу шартларни бажаришда суғурта агентига катта масъулиятлар юклатилган.

Суғурта агенти мижоз билан суғурта шартномасини тузишдан олдин ўзига профессионал шахс сифатида ишонган ҳолда ҳаракат қилади. У мижоз билан учрашувга пухта тайёргарлик кўради, фикрларини бир жойга жамлаб ва кутилиши мумкин бўлган саволларга малакали жавоб беришга тайёрланади. Ушбу жараён оз бўлсада масъулиятни талаб этади.

Суғурта агенти юридик шахслар билан шартномани тузишда энг аввало куйидагиларга эътибор қаратади. Суғурта қилдирувчига суғурта асосий шартларининг қайси жиҳатларини кўпроқ тушунтириб бериши шу савол юзасидан фикр юритиши муҳимдир.

Суғурта агенти суғурта шартномаси тузишдан олдин бу суғурта тури суғурта фаолиятининг қайси классификаторига оид эканлигини яхши билиши талаб этилади. Шунингдек, у суғурта қилиш қоидаларини ҳам чуқур ўзлаштириб олган бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси қонунларига зид бўлмаган, мол-мулкка (суғурта предмети бўлган ҳамда суғурта шартномасида кўрсатилган кўчар ва кўчмас мулк: бинолар ва иншоотлар, савдо ускуналари, жиҳозлар, оргтехника, сотиладиган маҳсулотлар, маиший ва саноат техникалари, тугалланмаган капитал қурилиш объектлари, машина ва механизмлар, қурилиш материаллари ва қурилмалар, инвентарлар, хом-ашёлар, материал ва бошқа мол-мулклар) эгалик қилиш, фойдаланиш ва бошқариш билан

боғлиқ мулкый манфаатлар юридик шахс мулкени зарардан, оловдан ва табиий офатлардан суғурта қилиш объектлари ҳисобланади.

Юридик шахслар мол-мулкени суғурта қилиш суғурта шартномасини тузган шахс, яъни суғурта қилдирувчи ёки мулк йуқотилганда ёки зарарланганда суғурта қопламаси тўланиши мумкин бўлган суғурта шартномасида кўрсатилган бошқа жисмоний ёки юридик шахс (наф олувчи) фойдасига амалга оширилади.

Мол-мулкларни суғуртага қабул қилиш мақсадида баҳолаш юридик шахснинг бухгалтерия балансидаги маълумотларга асосланган ҳолда амалга оширилади. Шундан сўнг агент суғуртага қабул қилинаётган мулкларга қандай суғурта ҳодисалари содир бўлиши натижасида зарарлар етказилганда бу зарарлар суғурталовчи томонидан қопланишини тушунтириш зарур. Шартномада суғурта ҳодисалари деб номланган бўлим бўлиши мумкин. Унда мол-мулкнинг жисмоний йуқолиши ва шикастланишидан кўрилган тўғридан-тўғри зарарлар қуйидагилар натижасида юзага келган бўлса, суғурталовчи томонидан қопланиши назарда тутилади:

ёнғин, портлаш, бўрон, довул, жала, ернинг кўчиши, ернинг чўкиши, ернинг силжиши, ер ости сувларининг ҳаракати, сел, чакмоқ уриши, зилзила;

дўл; кўп қор ёғиши ёки музлаш; қулфни бузиб қилинган ўғрилик; машина ва механизмларнинг, қурилиш материаллари ва қурилмаларнинг, шунингдек, учувчи жисмларнинг қўлаб тушиши; иситиш тизимлари, сув ўтказгич ва канализация тармоқларининг бузилиши; ички сантехника тизимларининг ёрилиши; электр ускуналар, асбоблар ва машиналарнинг электр токи таъсирида ички зарарланиши; учинчи шахсларнинг қонунга хилоф равишда қасддан содир этган хатти-ҳаракатлари.

Суғурта агенти шуни ёддан чиқармаслиги зарурки, томонларнинг битимига мувофиқ суғурталаш бир вақтнинг ўзида юқорида келтирилган барча суғурта таваккалчиликлари бўйича ёки бошқа исталган уйғунликда амалга оширилиши мумкин.

Юридик шахслар билан суғурта шартномасини тузишда суғурта агенти мижозга албатта қандай ҳодисалар содир бўлганда мол-мулкга етказилган зарарлар қопланмаслигини тушунтириши талаб этилади. Суғурта шартномасида бундай ҳодисалар “умумий истиснолар” тариқасида келтирилади. Масалан, юридик шахслар мулкани суғурта қилиш шартномаси бўйича қуйидагилар натижасида содир бўлган ҳодисалар суғурта ҳодисаси ҳисобланмайди:

- суғурталанувчи, наф оловчи ёки улар вакилларининг корхонада белгиланган ёнғиндан хавфли ёки портловчи нарса ҳамда буюмларни сақлаш қоидалари, шунингдек, алоҳида мулк турлари билан муомала қилишда белгиланган бошқа қоидаларни қасддан бузиши;

- ўз-ўзидан ёниш, ачиш, чириш ёки бошқа табиий хусусиятлар;

- мол-мулкнинг ўғирланиши, учинчи шахслар томонидан қонунга зид, қасддан содир этилган ҳаракатлар натижасида йўқ қилиниши ёки шикастланиши, агар ушбу ҳолат тегишли ташкилотларга хабар қилинмаган, шунингдек, бу ташкилотлар томонидан ушбу ҳодиса тасдиқланмаган бўлса;

- куя, паразит, термит ёки бошқа ҳашоратлар, кўринмаган нуқсонлар, табиий эскириш, чириш, моғорлаш, об-ҳаво намлиги натижасида келтирилган шикастланиш, бузилиш ва зарарлар;

- суғурталанувчи ёки уларнинг вакилларига маълум бўлган ва суғурталовчининг жавобгарлиги кучга киришидан олдин мавжуд бўлган мол-мулкнинг нуқсонлари;

- суғурталанувчи ёки унинг вакиллари томонидан суғурталанган мол-мулкдан фойдаланиш қоидалари бузилиши натижасида содир бўлган зарарлар;

- доимий мавжуд бўлган фойдаланиш омиллари (эскириш, коррозия) нинг таъсири ва об-ҳаво омиллари таъсирида аста-секин зарарланишлар ёки суғурталанган буюмларнинг ишлатилмаслиги;

- мол-мулкни ташиш, шунингдек, суғурта шартномасида кўрсатилмаган жойда сақланиши;

Фуқароларга тегишли мулкларни нотўғри тузилишини олдини олиш мақсадида агент полисни расмийлаштиришдан аввал қуйидагиларга эътиборни қаратиши лозим:

- ⇒ суғуртага қабул қилинаётган мулкларни ҳақиқатан ҳам шартнома тузаётган шахсга тегишли эканлигини текшириш (мулклар фуқаронинг шахсий мулки бўлиши керак, транспорт воситаларини суғурта қилишда, бундан ташқари, мазкур транспорт воситаси бошқа шахсларга нотариал тасдиқланган ишончнома асосила берилганми ёки йўқлиги ҳам текширилган)
- ⇒ фуқаронинг мулки жойлашган жой расмийлар томонидан сув тошқини ёки бошқа табиий офатлар таҳдид солиши мумкин бўлган ҳудуд деб эълон қилинганми ёки йўқлигини аниқлаштириш зарур
- ⇒ фуқаролар иншоотини ихтиёрий суғурта қилишда аниқ суғурта суммасини чиқариш учун иншоотларнинг баҳосини аниқлаштириш керак
- ⇒ фуқарога тегишли ҳайвонларни суғурта қилишда ҳўжаликда мавжуд бўлган бир хил турдаги барча ҳайвонлар сони ва уларнинг ёшига қараб гуруҳларини аниқлаш талаб этилади
- ⇒ уй мулки ва иншоотларни, айниқса, дала ҳовлиларни суғурта қилишда шунини аниқлаштириш лозимки, улар суғурта қилдирувчи ёки у тайинланган шахс томонидан мунтазам назорат қилиб борилиши, қўриқлаш сигнализацияси мавжудлигига эътиборни қаратиши зарур. Агар бундай назорат мавжуд бўлмаса, суғурта шартномаси тузиш тавсия этилмайди
- ⇒ суғуртага мулкларни қабул қилиш жараёнида суғурта қилдирувчи иштирокида, албатта, уларни кўздан кечириш керак. Фуқарога тегишли транспорт воситасини суғуртага қабул қилишда эса мазкур транспорт воситасига эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлар ва техник паспортни кўриш ҳамда махсус жадвалга (агар жадвал суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилган ва бу жадвал билан агент таъминланган бўлса) мувофиқ транспорт воситасининг эскириш суммасига мувофиқ суғурта мукофоти суммасидан чегирмаларни айиради. Уй ҳайвонларини суғурта қилишда суғуртага қабул қилинаётган ҳайвонларнинг соғлиги талаб даражасидами ёки йўқми ва мазкур ҳудуд учун карантин эълон қилинмаганми каби масалаларга агент ўз эътиборини қаратиши керак (агар ҳайвонлар касалликка чалинган бўлса, туғиш ҳолатида ёки туққандан кейин кузатувда бўлган бўлса, шунингдек, сўнгги тиббий текширув жараёнида ҳайвонларда бруцеллез ёхуд туберкулез касалликларига чалинганликларининг аломатлари пайдо бўлган бўлса, бундай ҳайвонлар суғуртага қабул қилинмайди)
- ⇒ суғуртага қабул қилинаётган мулклар жойлашган жой, уй ҳақиқатан суғурта қилдирувчининг доимий яшаш жойими ёки йўқлигини ҳам назардан четда қолдирмаслик талаб этилади

1-чизма. Суғурта шартномаси тузилишидан олдин суғурта агенти бажариши зарур бўлган ҳолатлар.

- суғурта килдирувчининг суғурталовчига зарарланган буюмларни ёки уларнинг қолдиқларини, зарарланган буюмларнинг буткул йўқ бўлиб кетган ҳолларини истисно қилган ҳолда, тақдим этишдан бош тортиши;

- суғурта шартномасида кайд этилмаган бошқа барча ҳодисалар;

- лойиҳа-смета ҳужжатларида кўрсатилмаган ишларнинг қисман ёки бутунлай тўхтатилишидан қўриладиган зарарлар;

- кўрсатилган мол-мулкка расман бириктирилмаган ва ишлаш учун махсус ўқитилмаган шахслар томонидан мол-мулклардан фойдаланиш ва хизмат кўрсатиш натижасида қўрилган зарарлар;

- ёкилғи-мойлаш материаллари, химикатлар (кимёвий моддалардан тайёрланган моддалар), музлатиш суюқликлари ва бошқа ёрдамчи материалларнинг йўқолиши ёки зарарланишидан қўрилган зарарлар;

- қурилиш техникаси ва транспорт воситаларининг ташқи омилларга боғлиқ бўлмаган ички бузилишлари натижасида шикастланишидан қўрилган зарарлар;

- суғурта ҳодисаси содир бўлган вақтда ёки ундан сўнг мулкнинг ўғриланишидан қўрилган зарарлар;

- лойиҳа - смета ҳужжатларида кўзда тутилмаган тажриба ва тадқиқот ишлари;

- ядровий портлаш, радиация ёки радиоактив заҳарланиш таъсири;

- ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки бошқа ҳарбий тадбирлар;

- агар мол-мулкни суғурта қилиш шартномасида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурталовчи суғурталанган мол-мулк давлат органларининг фармойиши билан олиб қўйилиши, мусодара, реквизиция қилиниши, хатланиши ёки йўқ қилиб ташланиши оқибатида қўрилган зарарлар учун суғурта қопламасини тўлашдан озод қилинади.

Юридик шахсларнинг мулки ҳисобланган қуйидагиларга ҳам суғурта қилиш шартлари татбиқ этилмайди.

- қуйма қимматбаҳо металллар ёки гардишсиз қимматбаҳо тошларга;

- портловчи моддалар;
- нақд пуллар;
- ернинг кўчиши, ернинг чўкиши, сув тошиши ва бошқа табиий офатлар юз бериш хавфи бор ҳудудларда жойлашган ҳамда авария ҳолатида бўлган иморат, иншоот ва бошқа мулкларга шу хавф ҳақида ўрнатилган тартибда эълон қилинганидан сўнг.

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексида кўрсатилганидек, қуйидаги ғайриқонуний манфаатлар суғуртасини амалга ошириш ман этилади:

- ҳар хил ўйинлар, лотереялар ва гаров ўйнашдан кўрилган зарарларни суғурталаш амалга оширилмайди;
- гаровга олинган одамларни озод қилиш мақсадида шахсни мажбуран қилиши мумкин бўлган харажатларини суғурталаш амалга оширилмайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, қуйидаги ҳолларда суғурталовчи суғурта қилдирувчи (наф олувчи)га суғурта қопламаси тўлашни рад этишга ҳақли:

- суғурта шартномасининг амал қилиши суғурта ҳодисаси рўй бергунга қадар тўхтатилган, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 948 ва 950-моддаларида кўрсатилган асослар бўйича тўхтатилган бўлса;

- суғурта шартномаси Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ёки бошқа қонунларга асосан ўз кучини йўқотган бўлса;

- суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчига суғурта ҳодисаси юз бериши сабабларини ўрганишга ёки етказилган зарарлар ҳажмини аниқлашга тўсқинлик қилганлиги сабабли шартнома бекор қилинганда ёки Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси ва бошқа қонунларга асосан суғурта шартномаси кучга эга эмаслигини эътироф этиш ҳақида суғурталовчига даъво берилганда;

- Агар суғурта ҳодисаси суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг қасддан

қилган хатти-ҳаракатлари оқибатида юз берган бўлса, фақатгина бу хатти-ҳаракатлар улар томонидан ўзларини зарур вақтда ҳимоя қилиш мақсадида ёки жуда зарур шароитда қилинган ҳолатларни истисно қилган ҳолларда суғурталовчи суғурта қопламасини тўлашдан озод бўлади.


1.2. Суғурта шартномасини тузишда суғурта агентини вазифалари ва унга амал қилиш зарурияти

Суғурта шартномасини тузишда агент эътибор қилиши зарур бўлган жиҳатлардан бири миқдорга суғурта пули, суғурта мукофоти, уни тўлаш тартибидир. Ҳар қандай суғурта шартномасида баён этилганлар аниқ кўрсатилади.

Маълумки, ихтиёрий суғурта турлари бўйича, жумладан, юридик шахслар мол-мулкни оловдан, табиий офатлар ва зарардан суғурта қилишда суғурта пулининг миқдори суғурталовчи ва суғурта қилдирувчининг битимига биноан суғурта шартномасида белгилаб қўйилади. Мол-мулкни суғурталашда, агар суғурта шартномасида бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта пули мол-мулкнинг шартнома тузилаётган кунда жойлашган жойдаги ҳақиқий қиймати (суғурта пули)дан юқори бўлмаслиги керак. Суғурта шартномасини тузиш вақтида томонларнинг битимига кўра белгиланадиган, суғурта манфаати билан боғланадиган мол-мулкнинг қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қиймати (суғурта баҳоси) деб ҳисобланади. Мол-мулкнинг суғурта шартномасида кўрсатилган қиймати устида кейинчалик баҳслашиш мумкин эмас, суғурталовчи шартнома тузишдан аввал суғурта таваккалчилигини баҳолаш ҳуқуқидан фойдаланмаганлиги, шу қиймат юзасидан атайлаб чалғитилганлиги бундан мустасно.

Суғурта фаолиятини унинг функционал моҳияти билан узвий боғлиқ бўлган хизматларни ташкил этиш ҳамда уларни кўрсатиш(унинг мулкӣ шакли бошқарув тизими ва бошқа иқтисодий омиллар билан узаро боғлиқ

булган) саъйи ҳаракатлар мажмуаси деб таъкидлаш мумкин. Мазкур фаолиятнинг асосий мақсади иқтисодиёт субъектини талабига кўра уни суғурта рисклардан ҳимоясини таъминлашга қаратилганлигини амалга ошириш учун суғуртачи томонидан суғурталанувчидан суғурта мукофотлари ундирилиб олинади. Бу ундирилган мукофотлар ҳисобидан, ўз миқдори булган субъектнинг, эҳтимолликка кўра зарар кўришининг олдини олиш ундан оғох этиш суғурта ходисаси юз берган тақдирда унинг оқибатларини тугатиш учун мақсадли суғурта захирасини (1-чизмада) шакллантиради. Суғуртачининг суғурта захирасини шакллантириш жараёни қайта тақсимлаш муносабатлари сифатида намоён булади.



2-чизма. Суғурта захирасини шакллантириш

Суғурта агенти зарурат туғилганда, суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида томонларнинг битимиға биноан мол-мулкнинг суғурта қиймати ва шунга мувофиқ суғурта пули ҳамда қўшимча тўланадиган суғурта мукофоти миқдори қайта баҳоланишини назардан четда қолдирмаслиги керак.

Қабул қилинган суғурта мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун суғурталовчилар ҳам сумда ҳам чет эл валютасида туланган суғурта

мукофотларидан махсус ваколатли давлат органлари белгилайдиган тартибда ва шартларда суғурта захираларини шакиллантирадилар ҳамда жойлаштирадилар.

Суғурталовчининг суғурта захираларига мос келувчи активлари олиб қўйилиши мумкин эмас.

Суғурта шартномаси бир йил муддатга тузилганда суғурта тарифи суғурта объектининг таваккалчилик даражасига қараб келишилган суғурта пулига нисбатан фоизларда белгиланади. Масалан, юридик шахслар мол-мулкини суғурталашда тариф ставкаси 0,1 фоиздан 5 фоизгача миқдорда белгиланиши мумкин. Шартноманинг алоҳида шартлари, таваккалчилик даражаси ҳамда суғурта муддатига қараб суғурта тарифи камайтирилиши ёки оширилиши мумкин. Суғурта шартномаси бир йилдан кам ёки кўп муддатга тузилганда суғурта мукофоти бир йиллик суғурта тўловидан суғурта муддатига нисбатан мутаносиб равишда белгиланади. Томонларнинг битимига мувофиқ суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига пул ўтказиш йўли билан ёки суғурталовчининг кассасига ёки у томонидан тайинланган агентга нақд пул тўлаш орқали тўланиши мумкин. Суғурта мукофотини тўлаш тартиби суғурта шартномасида белгиланади. Мисол учун, суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини шартнома тузилгандан сўнг 3 кун ичида ёки 72 соат мобайнида тўлаш шартлиги суғурта шартномасида кўрсатилади. Агар суғурта шартномасида бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта мукофоти тўлиқ тўланмаган тақдирда, суғурталовчининг жавобгарлиги суғурта мукофотининг тўланган қисмига мутаносиб равишда бўлади.

1.3. Суғурта шартномасида суғурта мукофотлари ва уларни тўлаш шартлари

Суғурта шартномасида суғурта мукофоти бўлиб-бўлиб, яъни икки ва ундан ортиқ марта тўланиши кўрсатилиши мумкин. Суғурта мукофоти ёки

навбатдаги тўлов белгиланган муддатда тўланмаса, агар суғурта шартномасида бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта шартномаси ўзидан кучини йўқотади ва бунинг учун томонларнинг қўшимча истак билдиришлари шарт эмас. Аввал тўланган суғурта мукофотлари қайтарилмайди.

Томонларнинг битимига биноан суғурта шартномаси бир йилгача ва ундан кўп муддатга тузилиши мумкин. Суғурта шартномаси, агар унда бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми тўланиши билан кучга киради. Суғурталовчининг жавобгарлиги, агар суғурта шартномасида бошқа шарт белгиланмаган бўлса, нақд пулли ҳисоб-китобда суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми тўланиши билан ва нақд пулсиз ҳисоб-китобда суғурта мукофоти ёки унинг биринчи қисми суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига келиб тушгандан сўнг кучга киради.

2012 йилда Республикадаги суғурта компаниялари томонидан 231.6 млрд. сўм суғурта мукофотлари йиғиб олинди. 2006 йилга таққослаганда ушбу кўрсаткич 181.9 млрд.сўмга ёки қарийб 4.7 маротабага ортди (1-жадвалга қаранг).

Суғурта агентига суғурталовчи томонидан суғурта шартномасини унинг номидан тузиш ваколати берилган бўлса, у ҳолда шартномани тузишда агент ва суғурта қилдирувчи ўртасида қуйидагилар тўғрисида бир тўхтамга келиб олиниши керак:

- суғурталаш объекти ҳисобланган маълум мол-мулк ёки бошқа мулкый манфаатлар ҳақида;
- суғурта ҳодисасининг тавсифи ҳақида;
- суғурта пулининг миқдори ҳақида;
- агар шартномада суғурта қопламаси суғурта пулига нисбатан камроқ миқдорда тўлаш мумкинлиги кўрсатиб ўтилган бўлса, суғурта қопламаси миқдорини аниқлаш тартиби ҳақида;
- суғурта мукофотининг миқдори ва уни тўлаш муддати (муддатлари) ҳақида;

- шартноманинг амал қилиш муддати ҳақида.

1-жадвал

2006-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта компаниялари томонидан жамланган суғурта мукофотларининг ўсиш динамикаси⁷

Йиллар	Суғурта мукофотлар и ҳажми, млрд. сўм	Рост			
		Сўмда, млрд.сўм.		Ҳоизда (%)	
		Олдинги йилга нисбатан	2006 йилга нисбатан	Олдинги йилга нисбатан	2006 йилга нисбатан
2006	49,7	-	-	100	100
2007	73,6	23,9	23,9	148,1	148,1
2008	88,0	14,4	38,3	119,5	177,1
2009	146,1	58,1	96,4	166,0	294,0
2010	175,5	29,4	125,8	120,1	353,1
2011	231,6	56,1	181,9	132,0	466,0
2012	285,5	23,3	202,2	142,1	487,8

Мол-мулк суғурта шартномасига биноан ушбу мол-мулкнинг сақланишидан манфаатдор шахс шартномани наф олувчи фойдасига, унинг эгаси, мол-мулкка бошқа мулкый ҳуқуқи бор шахслар, ижарачи, пудратчи, сақловчи, даллол ва бошқалар фойдасига тузиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи ва наф олувчи суғурталанган мол-мулкнинг бут сақланишидан манфаатдор бўлмаган ҳолда тузиладиган суғурта шартномаси ҳақиқий ҳисобланмайди. Наф олувчи фойдасига тузилган суғурта шартномасида, унинг исми ёки номи кўрсатилмаслиги мумкин. Бундай суғурта шартномаси тузилганда оқ полис (олувчининг исми-шарифи кўрсатилмаган полис) берилади. Бундай шартнома бўйича ҳақ-ҳуқуқларни талаб қилиш учун суғурталовчига ушбу полис тақдим этилиши лозим.

Суғурталовчи мол-мулк суғурта шартномасига кўра шартномада шартлашилган тўлов (суғурта мукофоти) учун шартномада кўрсатилган

⁷ <http://mf.uz/ru/insuare.html>. 2007-2012 йилларда Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат бўйича ҳисобот маълумотлари асосида.

ходиса (суғурта ходисаси) юз берганда суғурта қилдирувчи ёки бошқа шахс, шартнома кимнинг фойдасига тузилган бўлса, ўша шахс (наф олувчи)га, суғурталанган мол-мулкка ушбу ходиса натижасида етказилган зарарлар ёки суғурта қилдирувчининг мулкый манфаатлари билан боғлиқ зарарлар (суғурта қопламасини тўлаш) учун шартномада белгиланган пул (суғурта пули) чегарасида тўлайди.

Суғурта шартномаси ёзма равишда, битта ҳужжат тузиш билан ёки суғурта қилдирувчининг ёзма ёки оғзаки аризасига биноан суғурталовчи имзолаган суғурта полисини суғурта қилдирувчига бериш орқали амалга оширилади. Томонларнинг битимига кўра шартномага бошқа шартлар киритилиши мумкин. Агар суғурта шартномасида Суғурта қилдирувчининг ҳолатини қонунда белгиланган ҳолатга кўра ёмонлаштирувчи шартлар мавжуд бўлса, шартноманинг бундай шартлари ўрнига қонунчиликнинг мос қоидалари қўлланилади. Суғурта шартномасини тузиш вақтида суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи айрим суғурталаш қоидаларини ўзгартириш ёки олиб ташлаш ёхуд шартномага суғурталаш қоидаларида бўлмаган шартларни киритиш ҳақида келишиб олишлари зарур.

Суғурта шартномасини тузиш вақтида суғурта қилдирувчи суғурталаш объектига доир тузилган ёки тузилиши мумкин бўлган бошқа барча суғурта шартномалари ҳақида ҳамда маълум бўлган суғурта ходисасининг содир бўлиш эҳтимолини ва унинг содир бўлишидан кўрилиши мумкин бўлган зарар ҳажми ни аниқлашда аҳамиятга эга бўлган барча шартлар ҳақида суғурталовчига маълум қилиши керак. Суғурталовчи томонидан суғурта шартномаси(полиси)нинг стандарт шаклида кўрсатилган ҳолатлар аҳамиятли ҳолатлар ҳисобланади.

Агар мол-мулк суғурта қийматининг бир қисми миқдорида суғурта қилинган бўлса, суғурта қилдирувчи (наф олувчи) қўшимча суғурталашни амалга ошириш ҳуқуқига эга, шу жумладан, бошқа суғурталовчида, лекин бунда барча тузилган суғурта шартномалари бўйича умумий суғурта пули суғурта қийматидан ошмаслиги керак. Суғурта шартномаси суғурта

қийматидан ошиқча суғурта пулига нисбатан кучга эга эмас. Бу ҳолда ортиқча тўланган суғурта мукофоти қайтарилмайди.

Агар суғурта шартномасида суғурта пули суғурта қийматидан камроқ қилиб белгиланган бўлса, суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қилдирувчи (нафдор шахс)га у кўрган зарарларни суғурта пулининг суғурта қийматига нисбатига мутаносиб равишда қоплаши шарт. Барча ҳолларда, шартнома бўйича суғурталовчининг жавобгарлиги суғурта пулидан кўп бўлиши мумкин эмас. Мол-мулк суғуртаси шартномасини тузган суғурта қилдирувчи вафот этганда, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари шу мулкни мерос бўйича олган шахсга ўтади. Бошқа барча мулкрий ҳуқуқларнинг янги мулкдорга ўтиши ҳолатларида, агар шартнома ёки қонунда бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта қилдирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари суғурталовчининг розилиги билан янги мулкдорга ўтади.

2-жадвал.

2006-2011 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта компаниялари томонидан жамланган суғурта мукофотларининг таркиби⁸

Йиллар	Ихтиёрий суғурта		Мажбурий суғурта		Суғурта мукофотларининг жами	
	Суғурта мукофотларининг ҳажми, млрд. сўм.	Улуши %да	Суғурта мукофотларининг ҳажми, млрд. сўм.	Улуши %да	Суғурта мукофотларининг ҳажми, млрд. сўм.	Улуши %да
2006	47,0	94,6	2,7	5,4	49,7	100
2007	70.1	95,5	3.5	4,5	73,6	100
2008	80.6	91,6	7.4	8,4	88,0	100
2009	107.8	73,8	38.3	26,2	146,1	100
2010	128.7	73,3	46.8	26,7	175,5	100
2011	166.1	71,7	65.5	28,3	231,6	100
2012	206.8	72,4	79.1	27,6	285.5	100

⁸ Ўша ерда.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, суғурта мукофотларининг умумий ҳажмида ҳал қилувчи ролни ихтиёрий суғурталаш ўйнайди. 2006 йилда унинг ҳиссасига суғурта мукофотлари умумий ҳажмининг 94,6%и тўғри келди. Шу билан бирга сўнги 5 йилда ихтиёрий суғурта улуши сезиларли даражада камайди, мос равишда, мажбурий суғурталашнинг улуши ортди. 2006-2011 йилларда мажбурий суғуртанинг улуши 54%дан - 28,3%гача ўсди, яъни қарийб 5,3 маротаба ортди.

Агар шартномада бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта полиси суғурта қилдирувчига нақд пулли ҳисоб-китобда суғурта мукофоти тўланиши билан оқ ёки нақд пулсиз ҳисоб-китобда суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига пул келиб тушган кундан с ўнг 3 банк иш куни ичида берилади.

Ҳар иккала томон хоҳлаган вақтда суғурта шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда мўлжалланган бекор қилиш муддатидан 30 кун олдин иккинчи томон сўнги манзили бўйича ёзма равишда огоҳлантирилиши лозим.

2-БОБ. СУҒУРТА ПОЛИСЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН РАСМИЙЛАШТИРИШГА АМАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Суғурта полисларини расмийлаштиришда суғурта шартномасига амал қилишга таъсир этувчи омиллар

Суғурта шартномасининг амал қилиши қуйидаги ҳолларда таъсир этувчи омиллар юзага келганда тўхтатилади, яъни:

- шартнома муддати тугаганда;
- суғурталовчи шартнома бўйича ўз мажбуриятларини тўлиқ бажарилиши таъминланганда;
- бир томоннинг талабига биноан шартнома бекор қилинганда;
- суғурта қилдирувчининг талабига биноан суғурталовчи томонидан суғурта қоидаларига амал қилинмаганда;
- юридик шахс - суғурта қилдирувчининг ёки суғурталовчининг фаолияти Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўхтатилганда;
- жисмоний шахс - суғурта қилдирувчи вафот этганда, агар учинчи шахс суғурта қилдирувчининг мажбуриятларини бажаришни ўз зиммасига олмаса;
- суд қарорига биноан суғурта шартномаси ҳақиқий эмас деб топилганда;
- Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа ҳолларда.


Агар суғурта шартномаси кучга киргандан сўнг суғурта ҳодисасининг юз бериш эҳтимоли йўққа чиқса ва суғурта таваккалчилиги суғурта ҳодисасидан бошқа сабабларга кўра мавжуд бўлмай қолса, масалан, суғурталанган мол-мулк суғурта ҳодисасидан ўзга сабаблар туфайли нобуд бўлса, суғурта шартномаси муддати тугамасдан олдин тўхтатилади. Бу ҳолда суғурталовчи суғурта мукофотининг суғурта шартномаси амалда бўлган вақтга мутаносиб бўлган қисмини олиш ҳуқуқига эга. Суғурта

шартномасидан суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг муддатидан илгари воз кечиши натижасида суғурталовчига тўланган суғурта мукофоти агарда шартномада бошқача шарт назарда тутилмаган бўлса, қайтарилмайди. Агар суғурта қилдирувчининг сохта маълумотлари асосида суғурта шартномасидаги суғурта пули оширилган бўлса, суғурталовчи суғурта шартномаси бекор қилиниши ва етказилган зарарларни қоплаш мақсадида суғурта қилдирувчи томонидан тўланган суғурта мукофоти миқдоридан кўпроқ миқдорда тўлов талаб қилиш ҳуқуқига эга. Агар суғурта шартномаси тузилганидан сўнг суғурталовчига суғурта қилдирувчи томонидан мавжуд шарт-шароит ҳақида атайлаб ёлғон маълумотлар берилгани маълум бўлса, суғурталовчи шартномани бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Респондентларнинг аксарият қисми яъни 84%и суғурта қопламаси уларнинг эҳтиёжларига мос келишини таъкидладилар. Респондентларнинг 80%и суғурта шартларини тўлиқ тушундилар, 20%и шартлар уларга унчалик тушунарли эмаслигини таъкидлаган бўлсалар, 16% мижозлар суғурта компанияси уларнинг эҳтиёжларига мос келмаслигини таъкидладилар (1-диаграммага қаранг).

1-диаграмма.

Истеъмолчиларни суғурта маҳсулотларидан қониқиши



Бир-бирини тушунмаслик сабаблари ўртасида энг кенг тарқалганлари: “суғурта шартномаси матнида жумлаларнинг мураккаб тузилиши”,

“тушунарсиз терминлар”, “шартнома матнини бошқа тилда олишни истайдилар” ҳамда “ёзувларнинг майдалиги”.

Суғурта агенти мижоз билан суғурта шартномасини расмийлаштиришда томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, айниқса мижознинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини атрофлича тушунтириш олиши ҳам эътиборга олиш муҳимдир. Айтиш жоизки, шартномага мувофиқ суғурта қилдирувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин:

- суғуртанинг амал қилиш муддати давомида суғурта масалалари бўйича суғурталовчидан маслаҳатлар олиш;
- суғурта ходисаси юз берганда суғурталовчидан суғурта қопламаси олиш;
- суғурта ходисаси юз берганда мустақил экспертиза ўтказилишини талаб қилиш;
- барча мулкни ва алоҳида объектларни қўшимча суғурта қилиш.
- суғурталовчи билан келишган ҳолда суғурта шартномасига қўшимча ва/ёки ўзгартиришлар киритиш.
- шартномани суғурталовчини огоҳлантириш шарти билан муддатидан аввал бекор қилиш.

Шу билан бир қаторда, суғурта қилдирувчи қуйидаги мажбуриятларни ўз зиммасига олади:

- суғурта шартномасида белгиланган муддатларда суғурта мукофотини тўлаш;
- суғурта объекти ҳақида суғурталовчига тўлиқ ва аниқ маълумотлар бериш;
- суғурта объектини кўриб чиқишга имконият яратиш;
- суғурталовчига таваккалчиликдаги сезиларли ўзгаришлар содир бўлган тақдирда дарҳол, масалан, қуйидагилар ҳақида хабар бериш:

■ суғурталанган объектнинг бошқа шахс ихтиёрига ўтиши, мулкни гаровга ёки ижарага берилгани ҳақида (сотиб олувчи, гаровга олувчи ёки ижарачининг номи ва манзилини кўрсатган ҳолда);

■ мол-мулк жойлашган ўрнининг ўзгаргани, иншоотни қайта жиҳозлаш, қайта қуриш ёки уларни бошқа мақсадларда ишлатилиши ҳақида;

■ ишлаб чиқаришнинг тўхтатилгани ёки фаолияти ўзгаргани ҳақида;

■ мол-мулкнинг нобуд бўлиши ёки зарарлангани ҳақида, зарарлар қопланиши мумкин ёки мумкинмаслигидан қатъий назар;

■ суғурталанган бинода ёки унга алоқадор бўлмаган яқин жойда ёнғиндан хавфли, портловчи ёки бошқа нарсаларнинг сақланиши ҳақида;

■ суғурта қилдирувчи талабга кўра содир бўлган ҳодиса ҳақида тегишли давлат органларига дарҳол хабар бериши шарт. Содир бўлган воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилганлиги, тўхтатилганлиги ёки ишнинг судга оширилганлиги ҳақида тергов органлари томонидан тасдиқланган қарорларнинг нусхасини суғурталовчига тақдим этиши зарур;

Суғурта қилдирувчи суғурталовчига зарарланган мол-мулкни кўздан кечириш учун имконият яратиши ёки мол-мулкнинг зарарланган қисмларини суратга ёки видеотасвирга олишда амалий кўмак бериши лозим.

Суғурталанган мол-мулкнинг шароитини шартноманинг амал қилиш муддати давомида ҳамда суғурта қилдирувчи томонидан суғурталанган мол-мулк ҳақида тақдим этилган маълумотларни текширишга суғурталовчига имконият яратиши зарур.

Шартномада суғурталовчининг ҳуқуқлари ҳам кўрсатилади. Улар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- суғурта шартномасининг амал қилиш муддати давомида суғурталанган мол-мулкнинг ахволи ва қийматини ҳамда суғурта қилдирувчи томонидан суғурталанган мол-мулк ҳақида тақдим этилган маълумотлар тўғрилигини текшириш;
- суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида суғурта қилдирувчининг хабар беришини кутмасдан суғурта ҳодисалари оқибатида етказилган зарарларни кўриб чиқиш ва баҳолашни бошлаш;
- суғурта ҳодисаси юз берганда таваккалчилик даражасини ифодаловчи қўшимча ҳужжатларни талаб қилиш;

- суғурта ҳодисаси содир бўлгани ва унинг келиб чиқиш сабабларини тасдиқловчи керакли ҳужжатлар ва тўлиқ маълумотга эга бўлмагунга қадар ҳамда воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилганида тегишли ташкилотлар томонидан қарор қабул қилингунга қадар суғурта қопламаси тўлашни кейинга суриш;
- суғурта таваккалчилигининг даражаси ошишига олиб келадиган сабаблар ҳақида огоҳлантирилган тақдирда суғурта шартларини ўзгартириш;
- суғурта ҳодисасини юз бериш эҳтимолини камайтиришга қаратилган огоҳлантириш тадбирларини ўтказиш ва тегишли маблағлар билан таъминлаш.

Суғурталовчининг мажбуриятлари доирасига қуйидагилар киради:



суғурта шартномасида белгиланган муддатда суғурта полисини бериш ва суғурта шартномаси тузишда асосланилган суғурта қоидалари билан таништириш;



суғурта шартномасида белгиланган суғурта ҳодисаси юз берганини тан олганидан ва керакли барча маълумотларга эга бўлганидан сўнг суғурта қопламаси тўлаш муддатлари ҳар бир алоҳида суғурта шартномаси шартлардан келиб чиққан ҳолда белгиланади;



суғурта қопламаси тўланмайдиган бўлса, тўламаслик ҳақида қарор қабул қилинганидан бошлаб 15 кун мобайнида суғурта қилдирувчини хабардор қилиш;



суғурта қилдирувчи, наф олувчилар билан муносабатлардаги махфийликни таъминлаш.

3-чизма.

Шундай қилиб, ушбу 1-чизмада келтирилган шартларга амал қилиш суғурта полислари доирасида ҳужжатларни расмийлаштириш тўғри ташкил этишига имконият яратади.

2.2. Суғурта полисларини расмийлаштиришда суғурта шартномасига асосан суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз берганда суғурта қопламасини тўлаш тартиби

Суғурта шартномасидаги энг муҳим жихатлардан бири унда суғурта ҳодисаси содир бўлиши натижасида етказилган зарарларни қоплаш шартларини баён этилишидир.

Суғурта шартномасига асосан суғурта қилдирувчи суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида хабар топганидан сўнг дарҳол бу ҳақида суғурталовчини ёки унинг вакилини хабардор қилиши керак. Агар шартномада суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида хабар беришнинг муддати ва/ёки усуллари белгиланган бўлса, у ҳолда суғурта қилдирувчи хабар беришни шартномада белгиланган муддат ва усулда амалга ошириши керак. Худди шундай мажбурият наф олувчига ҳам, агар у унинг фойдасига тузилган шартнома юзасидан суғурта қопламасига даъво қилиш ҳуқуқидан фойдаланмоқчи бўлса, юклатилади. Ушбу мажбурият бажарилмаса, суғурталовчи суғурта қопламасини агар суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз бергани ҳақида ўз вақтида хабардор қилингани ёки бундай маълумотларнинг йўқлиги суғурталовчини суғурта қопламаси тўлаш мажбуриятидан озод қилиши исботланмаса тўламасликка ҳақлидир.

Суғурта қилдирувчи суғурта қопламасини тўлаш ҳақидаги аризасида куйидагиларни кўрсатади:

- суғурта ҳодисасининг тавсифи ва санаси;
- суғурта қилдирувчининг суғурта ҳодисаси юз бергандаги хатти-ҳаракатлари;
- зарар миқдори ва суғурта қилдирувчининг даъво қилаётган суғурта қопламасининг миқдори, тегишли рўйхат ҳамда суммаси кўрсатилган ҳолда;
- учинчи шахслардан зарар учун олинган тоvon миқдори.

Суғурта қилдирувчи суғурта шартномасида кўзда тутилган суғурта ҳодисаси юз берганда ўтказилиши мумкин бўлган зарар миқдорини

камайтириш учун мумкин бўлган оқилона чораларни кўришга мажбур. Суғурталовчи томонидан қопланадиган зарарлар миқдорини камайтириш мақсадида қилинган харажатлар, агар бу харажатлар зарур ёки суғурталовчининг топшириғини бажариш учун қилинган бўлса, аммо бу чора-тадбирлар самара келтирмаган бўлса ҳам суғурталовчи томонидан зарар албатта қопланиши зарур. Бу харажатлар суғурта пулининг суғурта қийматига нисбатига мутаносиб тарзда, бошқа зарарларни қоплаш билан биргаликда улар суғурта пулидан ошиб кетишидан қатъий назар қопланади. Суғурта қопламаси суғурта қилдирувчининг зарарни қоплаш ҳақидаги ёзма аризасига ҳамда вазият талаб қилган ҳолларда тегишли орган ва ташкилотларнинг ҳужжатларига мувофиқ тўланади.

Суғурта қилдирувчи томонидан суғурта ходисаси юз бергани ҳақида хабар қилинганидан сўнг суғурта қилдирувчи, суғурталовчи ва зарур ҳолларда тегишли ташкилотлар вакилларида иборат комиссия тузилади. Агарда суғурта ходисаси суғурта шартномасида кўрсатилган муддат давомида юз бергани тасдиқланса, комиссия томонидан зарарларнинг сабаби ва ҳажми кўриб чиқилади, зарарлар ва йўқотишлар миқдори аниқланади, суғурта қопламаси тўлаш учун сумма аниқланади ва далолатномада қайд қилинади. Ушбу далолатнома суғурталовчининг суғурта қилдирувчига суғурта шартномасида белгиланган муддатда қоплама тўлашига асос бўлиб хизмат қилади.

Агар томонлар зарарнинг сабаби ва ҳажми юзасидан ўзаро келиша олишмаса, у ҳолда мустақил экспертиза ўтказилиши мумкин. Суғурта қопламаси суғурта суммасидан кам миқдорда тўланган суғурта шартномаси, шартномадаги ва тўланган суғурта қопламаси ўртасидаги фарқ миқдори муддати тугагунга қадар, ўз кучини сақлаб қолади. Агар зарар унинг сабабчиси томонидан бутунлай қопланган ёки суд қарорига биноан унинг зиммасига юклатилган бўлса, у ҳолда суғурта қилдирувчи суғурта қопламасини талаб қилиш ҳуқуқидан маҳрум бўлади.

Агар суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи зарар сабабчиси ёки учинчи шахслардан қоплама олган бўлса, суғурталовчи фақат сабабчи ёки учинчи шахс томонидан тўланган қоплама билан суғурта шартномасига мувофиқ тўланиши керак бўлган пул ўртасидаги фарқни тўлайди. Агар мулкнинг йўқ бўлиши ёки зарарланиши жиноят натижасида юз берса ва бу жиноятни содир этган шахсга нисбатан жиноий иш қўзғатилган бўлса, у ҳолда суғурта қилдирувчига суғурта қопламаси, айбдор шахсга берилган даъво регресси суд томонидан жиноий иш қўрилаётганда кўриб чиқилиши мумкинлигини эътиборга олган ҳолда, тергов олиб борилаётган даврда ёки тергов тугагандан сўнг тўланиши мумкин.

Қоплама миқдори мулк зарарланганда уни алмаштириш қиймати билан, у буткул нобуд бўлганда эса рўйхатда кўрсатилган ҳақиқий қиймати билан чегараланади. Аммо суғурта қопламасининг умумий миқдори суғурта шартномасидаги умумий суғурта пулидан ёки ҳар бир банд бўйича жавобгарлик лимитидан ошиб кетмаслиги керак. Агар суғурта шартномасида назарда тутилган бўлса суғурталовчи қопламани суғурта шартномасида белгиланган франшизани ҳисобга олган ҳолда тўлайди.

Суғурталовчининг суғурта қопламаси тўламаслик ҳақидаги қарори тўғрисида суғурта қилдирувчи (наф олувчи)га уларнинг суғурта қопламаси тўлаш ҳақидаги мурожаатидан бошлаб 15 кун мобайнида хабар берилиши керак. Хабарномада рад этишнинг сабаблари кўрсатилиши лозим.

Суғурталовчининг суғурта қопламасинини ёки суғурта пулини тўламаслик ҳақидаги қарорига судга даъво аризасини берган ҳолда эътироз билдирилиши мумкин. Агар суғурта шартномасида бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, суғурталаш натижасида қопланган суғурта қилдирувчи (наф олувчи)нинг зарар келтирган шахсга бўлган даъво ҳуқуқи суғурта қопламасини тўлаган суғурталовчига у тўлаган пул доирасида ўтади. Бироқ атайлаб зарар етказган шахсдан даъво қилиш ҳуқуқи суғурталовчига ўтишини инкор этувчи суғурта шартномасининг шарти кучга эга эмас.

2.3. Суғурта қопламаларини ҳисобга олишга таъсир этувчи суғурта ҳодисалари таҳлили

Мамлакатимиз суғурта бозори тузилмаси тараққий этган давлатлар суғурта бозорлари тузилмалари асосида ташкил этилган. Қуйида суғурта бозорининг ташкилий тузилмаси берилган (4-чизма).

Мазкур чизмадан кўриниб турибдики, суғурта бозори тузилмаси бири бири билан боғлиқ ва бевосита боғлиқ бўлмаган ташкилий унсурлардан иборат. Суғурта бозори тузилмасини суғурталовчилар, суғурта брокерлари, ассистенс, аджастер ва сюрвейерлар, актуарийлар, суғурта бозори профессионал иштирокчилари ассоциацияси, суғурта агентлари, турли хил акциядорлар жамиятлари, булинмалар ташкил қилади.

2013 йил 1 январь ҳолатига кура, 37та суғурталовчи компаниялар рўйхатдан утиб, Ўзбекистон суғурта бозори таркибида фаолият кўрсатмоқда. Суғурта компанияларидан 4 таси суғурта фаолияти билан шуғулланиш учун 2011 йилда лицензия олган. Суғурта бозорини ривожлантириш ва инфратузилмасини кенгайтиришга қаратилган чора-тадбирлар натижасида Республикада 959 та суғурта булинмалари ташкил этилди.



4-чизма. Суғурта бозори тузилмаси


2011 йилда суғурта бозорида тузилган 6 млн. дан зиёд шартномалар бўйича жами 232 млрд. сум суғурта мукофотлари йигилган, бу кўрсаткич утган йилга нисбатан 37 фоиздан куп.

Йил сайин ошиб бораётган суғурта қопламалари мамлакат суғурта бозори жадал ривожланишининг муҳим бир таъсир этувчи кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Жумладан, етказилган зарарларни қоплаш учун 2011 йилга 45млрд. сумдан ортиқ маблағ сарфланиб, ушбу кўрсаткич 2010 йилга нисбатан 67 фоиз ошган. 2007-2011 йиллардаги маълумотлар таккосланганда, шу даврда суғурта мукофотлари 3 баробар ўсган бўлса, суғурта қопламалари 5 баробар ошган.

2-диаграмма

Суғурта мукофотлари

(млрд. сум)



Айтиш мумкинки, турли хавф-хатарлардан ишончли ва замонавий химоя воситаси сифатида суғурта маҳсулотларидан фойдаланувчилар сони борган сайин ошиб бормоқда. Албатта, бу жараёнда суғурталовчилар олдида ката маъсулият бор. Билдирадиган юқори ишончни оқлаш учун, улар ўз

молиявий барқарорлиги ва мустаҳкам тўловлилик қобилиятини таъминлаши зарур.

Суғурта мукофотлари ички таркиби таҳлили шуни кўрсатадики, суғурта мукофотларининг умумий ҳажмида мулкӣ суғурта устунлик қилади. Ўз навбатида мулкӣ суғурта бўйича суғурта мукофотлари ҳажмида юқори ўсиш суръатлари асосан транспорт воситаларини суғурталаш, кўчмас мулк ва бошқа мулкларни суғурталаш, юкларни суғурталаш, авиация суғуртаси, тадбиркорлик рискинни суғурталаш сингари суғурта хизматларида кузатилди. Мамлакатда мулкӣ суғурталашни ривожлантириш ва унинг кўрсаткичларини ўсиши, асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган таркибий ислохотлар билан рағбатлантирилади.

Республика суғурта бозорида тўланган суғурта тўловларининг умумий ҳажми йил сайин ортиб бормоқда (3-жадвалга қаранг).

3-жадвал.

2006-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта компаниялари томонидан тўланган суғурта тўлов(қоплама)ларининг ўсиш динамикаси⁹

Йиллар	Суғурта тўловларининг ҳажми, млрд. сўм	Ўсиш			
		Сўмда, млрд.сўм		Фоизда (%)	
		Олдинги йилга нисбатан	2006 йилга нисбатан	Олдинги йилга нисбатан	2006 йилга нисбатан
2006	6.9	-	-	100	100
2007	8.7	1,8	1,8	126,1	126,1
2008	15.5	6,8	8,6	178,2	224,6
2009	20.7	5,2	13,8	133,5	300,0
2010	27.6	6,9	20,7	133,3	400,0
2011	45.1	17,5	38,2	163,4	653,6
2012	46.0	2,1	40,2	103,4	651,6

⁹Манба: <http://mf.uz/ru/insuare.html>. 2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат бўйича ҳисобот маълумотлари асосида.

Жумладан, 2011 йилда мазкур кўрсаткич 2006 йилга қараганда 6,5 бараварга ошиб, 45 млрд сўми ташкил қилди. Суғурта тўловларининг янада ўсиш суръати 2008 йилда (78,2% ва 2011 йилда 63,4%) кузатилди.

2006 йилдан 2012 йилгача бўлган даврда суғурта тўловларининг таркиби ҳам тубдан ўзгарди. 11-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики, 2006 йилда ихтиёрий ва мажбурий суғурталаш бўйича тўловлар улуши мос равишда 87,0%ни ва 13,0%ни ташкил қилди. 2011 йилда суғурталашнинг ихтиёрий ва мажбурий турлари ўртасидаги мазкур нисбат мос равишда 73,0% ва 27,0%ни ташкил қилди. Натижада ушбу йиллар давомида мажбурий суғурта бўйича тўловлар улуши қарийб 2 маротаба ва ихтиёрий суғурталаш эса қарийб 14 пунктга камайган.

4-жадвал.

2006-2012 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта компаниялари томонидан тўланган суғурта тўловларининг таркиби¹⁰

Йиллар	Ихтиёрий суғурта		Мажбурий суғурта		Суғурта тўловларининг жами	
	Суғурта тўловларининг ҳажми, млрд. сўм	Улуши %да	Суғурта тўловларининг ҳажми, млрд. сўм	Улуши %да	Суғурта тўловларининг ҳажми, млрд. сўм	Улуши %да
2006	6,0	87,0	0,9	13,0	6.9	100
2007	7.6	87,4	1.1	12,6	8.7	100
2008	13.9	89,7	1.6	10,3	15.5	100
2009	15.2	73,4	5.5	26,6	20.7	100
2010	18.7	67,8	8.9	32,2	27.6	100
2011	32.9	73,0	12.2	27,0	45.1	100
2012	32.1	70.0	13.9	30.0	46.0	100

4-жадвалдан кўриниб турибдики, сўнги 5 йил ичида ихтиёрий суғурта бўйича суғурта тўловлари ҳажми қарийб 5,5 маротабага ўсди, мажбурий суғурталаш бўйича эса 13,6 маротабага ортди.

¹⁰ Манба: <http://mf.uz/ru/insuare.html>. 2007-2011 йилларда Ўзбекистон Республикасида суғурта фаолиятини тартибга солиш ва назорат бўйича ҳисобот маълумотлари асосида.

Суғурта ҳодисасинисифатли ўрганиб, бартараф этиш учун зарур чора - тадбирларни амалга ошириш ва етказилган зарарларни ўз вақтида тўлаб бериш зарур. Бу, ўз навбатида, суғурта компанияси бухгалтерия бўлими учун ҳам катта маъсулият юклаб, суғурта қопламалари билан боғлиқ жараёнларнинг бухгалтерия ҳисобини меъёрий хужжатлар доирасида юритишни талаб этади.

3-БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА СУҒУРТА ПОЛИСЛАРИНИ ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТДАН РАСМИЙЛАШТИРИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ


3.1. Суғурта қопламаларини ўсишга таъсир этувчи омилларни хусусиятлари ва уларни тартибга келтиришни ривожлантириш йўллари

Суғурта қопламалари миқдори йилдан-йилга ошиб бориши аҳолии маблағлари ошиб боришига боғлиқ бўлиб, бу суғурта компанияларининг молиявий салоҳиятининг ошишига таъсир этади. Натижада суғурта қопламалари ҳажми кўпайиб боради.

Қисқа вақт ичида суғурта қопламалари ҳажми билан боғлиқ йўналишда атта ижобий ўзгаришлар кузатилади. Мазкур ўзгаришларни қуйидаги 3-диаграммада куриш мумкин.

3-диаграмма.

Суғурта қопламалари, (млрд. сум)



Берилган қисқа вақт доирасида суғурта қопламалари кўрсаткичлари кескин ўзгаради. Масалан, 2007 йилда давлат ва нодавлат компаниялар тамонидан амалга оширилган қопламалар миқдори 8,7 млрд. сумни ташкил

килган бўлса, бу кўрсаткич 2012 йилга келиб 48,4 млрд. сумдан иборат бўлди. Шу билан бирга мазкур қопламалар кесимида надовлат компаниялар томонидан амалга оширилган қопламалар миқдори ошиб борди бу эса охириги вақтларда суғурта муносабатларини иқтисодий жараёнларга таъсирини ортиб боришдан далолат бермоқда.

Маълумкий, суғурта шартномасига асосан суғурталовчи шартномада белгиланган ҳодиса юз берган тақдирда суғурталанувчига суғурта қопламасини тулаб бериши лозим. Суғурта шартномасида белгиланган суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталанувчи зудлик билан суғурталовчинини хабардор қилиши зарур ҳисобланади.

Суғурталовчи суғурталанувчидан суғурта ҳодисаси юз берганлиги тўғрисидаги аризани олгандан сўнг суғурта воқеасини изчил ўрганади. Ушбу воқеа суғурта ҳодисаси сифатида тан олинса, шартномада белгиланган тартиб ва шартларда суғурта қопламаси тўлаб берилиши мумкин. Суғурта қотшамасини тўлаш қуйидагилар, яъни суғурта шартномаси, суғурталанувчининг аризаси, қонунчилик асосида тузилган суғурта далолатномаси, суғурталовчининг ходимлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, банк, медицина муассасаси ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлари ҳамда суғурталовчи томонидан ўтказилган текширувлар натижасида тўпланган маълумотлар асосида амалга оширилади.

Одатда суғурталовчи етказилган зарарни тўлаш учун керакли бўлган ҳужжатлар таркибини ўзи белгилайди ва суғурта қопламасини тўлаш тўғрисида қарор қабул қилади. Суғурта компашси суғурта ҳодисасини ўрганаётган даврда қуйидагилар аниқланган тақдирда, суғурта қопламасини тўлашни рад этиши мумкин:

- суғурта ҳодисаси суғурталанувчи ёки наф олувчи томонидан атайлаб содир этилганда;
- суғурталанувчи томонидан суғурта объекти тўғрисида суғурталовчига нотўғри маълумотлар тақдим этилганда;

— суғурта ҳодисасининг юз бериш эҳтимоллигини ошиши ҳолатларини суғурталанувчи ўз вақтида суғурталовчига хабар қилмаганда;

— суғурта ҳодисаси тўғрисида суғурталовчига ўз вақтида хабар берилмаганлиги натижасида суғурта ҳодисасини ўрганишнинг имкони бўлмаган тақдирда;

— суғурта ҳодисасининг ҳолатлари ва етказилган зарарнинг ҳажми тўғрисида суғургаланувчи томонидан суғурталовчига нотўғри маълумот берилганда;

— суғурта ҳодисаси юз берганда суғурталанувчитомонидн суғурта зарарини камайтириш мақсадида чора-тадбирлар қасддан амалга оширилмаган тақдирда;

— суғурталанувчи томонидан суғурта ҳодисасининг юз беришида айбдор бўлган шахсга нисбатан даъвосини ўз ихтиёри билан қайтариб олиши ёки даъво қилишда етарли ҳаракатларни амалга оширмаган тақдирда;

— суғурта шартномасида белгиланган бошқа суғурта қопламасининг тўланмаслигини тасдиқловчи ҳолатлар.

Қуйидаги ҳодисалар оқибатида етказилган зарартар қопланмайди:

— ядро портлаши, радиация ёки радиоактив зарарланиш;

— ҳарбий ҳаракатлар, манёврлар ёки ҳарбий тадбирлар;

— фуқаролар уруши, кўзғолон ёки турли оммазий тартибсизликлар;

— мусодара қилиш, олиб қўйиш ёки давлат органларининг топшириғига биноан суғурталанган мулкнинг йўқотилиши.

Суғурталовчи суғурта қопламасини тўлашни рад этганлиги тўғрисида суғурталанувчини шартномада белгиланган муддатларда хабардор қилиши шарт. Суғурталовчининг суғурта қопламасини тўлашни рад зтиш тўғрисидаги қарори устидан қонунчиликда белгиланган тартибда суғурталанувчи томонидан судларга даъво киритилиши мумкин.

Бошқа барча ҳолатларда суғурталовчи суғурта шартномаси ва қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда суғурта қопламасини тўлаши шарт.

Ҳар қандай ҳолатда суғурта қопламаси суғурталанган мулкнинг ҳақиқий қийматидан ошиб кетмаслиги зарур. Агар суғурта шартномасида белгиланган суғурта пули суғурта объектининг ҳақиқий қийматидан паст бўлса, етган зарар бўйича суғурта қопламасини нг ҳажми суғурта пулига пропорционал тарзда камайтиради.

Ушбу ҳолатни мисол асосида кўриб чиқамиз.

Автомобилнинг бозор нархи 6 900 000 сўм. Суғурта шартномаси тузиганда унинг суғурта пули 6 000 000 сўм этиб кўрсатилган. Суғурта ходисасининг юз бериши натижасида автомобилга 1 035 000 сўмлик зарар етказилди, яъни автомобилга етган зарарнинг тўлиқ суммаси 1 035 000 сўмни ташкил этади. Лекин, суғурталовчи томонидан тўланадиган суғурта қопламаси

$6\,000\,000 / 6\,900\,000 \times 1\,035\,000 = 900\,000$ сўмни ташкил этади.

Агар мулк эгаси бир объектни турли суғурталовчиларда суғургалаган тақдирда у барча суғурталовчилардан суғурта қопламаларини олиши мумкин. Лекин олинган суғурта қопламалари етказилган зарарнинг ҳақиқий суммасидан ошиб кетмаслиги зарур.

Мазкур ҳолатни мисодда кўраб чиқамиз. Юқорида келтирилган автомобиль эгаси ўз автомобилни икки суғурталовчида тегишли равишда суғурта пулини 3 500 900 ва 4 000 000 сўм қилиб суғурта шартномасида белгилаган. Кўриниб турибдики, суғурта пулларининг йиғиндиси автомобилнинг ҳақиқий қийматидан юқори.

Биринчи суғурталовчи суғурта қопламасини қуйидаги ҳажмда тўлайди:

$3\,500\,000 / (3\,500\,000 + 4\,000\,000) \times 1\,035\,000 = 483\,000$ сўм;

иккинчи суғурталовчи:

$4\,000\,000 / (3\,500\,000 + 4\,000\,000) \times 1\,035\,000 = 552\,000$ сўм суғурта қопламасини тўлайди.

Суғурталовчи томонидан етказилган зарардан кўпроқ суммани ундириш ҳолатини олдини олиш учун суғурталовчилар тегишли ташкилотлар хулосаларининг асл нусхаларини талаб этади.

Суғурта шартномасида суғурта зарарининг суғурталанувчи томонидан қопланадиган қисми — франшиза ҳам кўрсатилиши мумкин. Франшизанинг шартли ва шартсиз турдари мавжуд. Шартли франшиза белгиланган сумма суғурталовчи суғурта зарари франшизанинг суммасидан ошган тақдирда тўлиқ қоплаб беради. Акс ҳолда эса зарар қопланмайди. Шартсиз франшиза ўрнатилганда суғурталовчи суғурта қопламасини тўлашда франшиза сифатида белгиланган суммани чегириб қолади.

Юқорида келтирилган мисол асосида франшизанинг ҳисобланишини кўриб чиқамиз. Мисолда суғурта объектининг қиймати 6 900 000 сўм, унинг суғурта шартномасида белгиланган суғурта пули 6 000 000 сўм. Агар суғурта шартномасида франшиза 500 000 сўм сифатида белгиланса ва у шартли бўлса, суғурта қопламасининг суммаси қуйидагича бўлади:

$$6\,000\,000 / 6\,900\,000 \times 1\,035\,000 = 900\,000 \text{ сўм}$$

Агар франшиза шартсиз ҳисобланса суғурта қопламасининг ҳажми:

$$900\,000 - 500\,000 = 400\,000 \text{ сўм бўлади.}$$

Агар суғурталанувчи суғурта ҳодисаси натижасида етган зарарнинг бир қисмини айбдор шахслардан ундирса, суғурта қопламаси ўша суммага камайтирилади.

Шахсий суғурта шартномаларида суғурта суммаси бошқа суғурта шартномалари бўйича белгиланган суғурта суммаларидан қатъий назар тўлиқ амалга оширилади.

Суғурта ташкилотларида суғурта қопламаларини ҳисобга олиш ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги учун ташкилот ҳисоб сиёсатида алоҳида белгилаб қўйиш керак бўлади. Бу жараён мураккаб ва серкирра бўлганлигини инобатга олган ҳолда, суғурта компанияси бошқа мутахассисларни ҳам жалб қилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

3.2. Бозор иқтисодиёти шароитида суғурталовчига кўрилган зарарларни қоплашни тартибга солувчи ҳуқуқларни бошқариш йўллари

Бозор иқтисодиёти шароитида суғурталовчига ўтган даъво ҳуқуқи суғурта қилдирувчи (наф олувчи) ва зарар учун жавобгар шахс ўртасидаги

муносабатларни тартибга солувчи қоидаларга амал қилинган ҳолда амалга оширилади. Суғурталовчига ўтган даъво ҳуқуқини амалга ошириш учун зарур бўлган барча ҳужжатлар, далиллар ва бошқа маълумотларни суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчига тақдим этишга мажбур. Агар суғурта қилдирувчи (наф олувчи) зарар учун жавобгар шахсга бўлган суғурталовчи томонидан қопланган зарар учун даъво ҳуқуқидан воз кечса ёки унинг айби туфайли даъво қилишнинг иложи бўлмаса, суғурталовчи суғурта қопламасини бутунлай ёки тегишли қисмини тўламаслик ва тўланган суғурта қопламасининг ортиқча қисми қайтарилишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Айтиш жоизки, агар суғурта қилдирувчи қайта ташкил қилинса, унинг суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлари қонуний ворисига ўтади ва бу ҳақида суғурта қилдирувчи (наф олувчи) суғурталовчини ёзма равишда хабардор этади. Суғурта шартномаси бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятларни учинчи шахсларга ўтказиш томонларнинг ёзма розилигисиз амалга оширилиши мумкин эмас. Ҳар бир суғурта шартномасига ҳар бир суғурта ҳодисаси натижасида кўрилган ҳар бир зарар ёки ҳамма зарарлар бўйича шартсиз франшиза/шартли франшиза қўлланилади. Франшиза миқдори томонлар билан келишилади ва суғурта шартномасида кўрсатилади. Томонлар форс-мажор шартлари даврида суғурта шартномаси бўйича ўз мажбуриятларини қисман ёки бутунлай бажара олмасликлари учун жавобгар эмаслар. Форс-мажор шартлари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади: ҳарбий ҳаракатлар, блокадалар, иш ташлашлар, давлатлараро ва давлат ташкилотларининг чекловчи ва таъқиқловчи чоралари, суғурта шартномаларида кўрсатилмаган табиий офатлар. Форс-мажор шартлари юз берганда ёки тугаганда томонлар бир-бирини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Форс-мажор шартлари юз берганда томонларнинг ўз мажбуриятларини бажариш муддатлари форс-мажор шарти давом этган муддатга тенг муддатга узайтирилади. Суғурта шартномасидан келиб чиқадиган барча низолар қонунда белгиланган тартибда ҳал этилади.

Шунингдек, айтиш жоизки, ҳозирда жисмоний шахслар билан шартномаларни тузишда ҳам суғурта полисларни ҳуқуқий асосини ривожлантиришга алоҳида урғу берилмоқда.

Чунки, фуқароларга тегишли мулкларни суғурта қилиш бўйича шартнома тузиш уларга ўрнатилган шаклдаги суғурта полисини бериш орқали расмийлаштирилади. Бу ерда мулкларнинг тури (уй мулки, уй-жой, ҳайвонлар, транспорт воситаси (каско), автомобилнинг ўзини, ҳайдовчисини ва юкни биргаликда суғурта қилиш (авто-комби)) эътиборга олинishi муҳим бўлмоқда.

Суғурта полиси нусха олувчи қоғоз асосида аниқ ва кўзда тутилган барча маълумотларни кўрсатган ҳолда тўлдирилади. Мабодо, полисининг қайсидир сатри тўлдирилмасдан қолса, у ҳолда ўша жойга чизикча қўйилади. Полисини расмийлаштириш чоғида унга тузатишлар киритиш, суғурта қилдирувчининг исми ва фамилиясини қисқартирилган ҳолда ёзишга йўл қўйилмайди. Агар суғурта полисини ёзишда хатоликларга йўл қўйилса, у ҳолда унга “бузилган” деган ёзув ёзилади ва унинг ўрнига янги бланка тўлдирилади ҳамда бузилган полис суғурта агентининг ҳисоботига тикилади ҳамда суғурталовчига топширилади.

Суғурта қилдирувчи суғурталанган транспорт воситаси ўрнига бошқа транспорт воситасини сотиб олган тақдирда суғурта шартномаси қайтадан тузиладиган бўлса, бундай ҳолатда суғурта қилдирувчига ўрнатилган тартибда тўлдирилган янги суғурта полиси берилади. Эски суғурта полисини суғурта қилдирувчи суғурта агентига қайтариши шарт. Суғурта агенти ўз навбатида, суғурта қилдирувчи қайтариб берган суғурта полисини ва янгидан расмийлаштирилган суғурта полисининг нусхасини суғурталовчига топширади. Бундай ҳолатларда янгидан берилган суғурта полисларида олдинги полисининг рақами, уни амал қилиш муддати ҳамда суғурта қилинган транспорт воситасининг тури ва маркаси кўрсатилган ҳолда “ Қайта расмийлаштирилган” деб белги қўйилади.

Суғурта шартномаси амалда бўлган даврда суғурта қилдирувчи суғурта полисини йўқотиб қўйса, унинг ёзма аризасига асосан унга суғурта полисининг дубликати берилади. Дубликат суғурталовчида сақланаётган суғурта агентининг ҳисоботидаги йўқотилган суғурта полиси нусхаси асосида расмийлаштиради. Дубликата қуйидаги ёзув ёзиб қўйилади: “ _____ серияли _____ - рақамли йўқотилган суғурта полиси ўрнига берилди”.

Суғурта полиси суғурта қилдирувчига, агар у суғурта мукофотини нақд пул билан тўласа, суғурта шартномаси тузилиши биланок берилади. Агар суғурта мукофоти нақд пулсиз шаклда тўланадиган бўлса, суғурта полиси суғурта мукофоти суғурталовчининг ҳисоб рақамига келиб тушгандан сўнг 3 кундан кечиктирмасдан суғурта қилдирувчига берилади.

Фуқаронинг хоҳишига кўра, мулкый суғурта шартномаси, суғурта мукофотини, нафақат нақд пул тўлаш, балки нақд пулсиз шаклда, яъни суғурта қилдирувчининг иш жойидаги бухгалтерия орқали ёхуд ҳисоб рақамидан пул ўтказиш йўли билан тузилиши мумкин. Бундай суғурта шартномасини тузиш қуйидаги тартибда амалга оширилади.

Суғурта қилдирувчи фуқаро белгиланган шаклдаги бланкада ўзи меҳнат қилаётган корхона ёки ташкилот бухгалтериясига унинг номига ҳисобланган иш ҳақидан суғурта мукофотини тўлашни кўрсатган ҳолда ёзма топшириқнома беради. Топшириқномада фуқарога тегишли мулкнинг тури, суғурта тўлови миқдори ва суғурта қилдирувчининг қайси ойдаги ойлик иш ҳақидан суғурта мукофоти тўлаш учун пулни ушлаб қолиш лозимлиги аниқ баён этилади. Суғурта қилдирувчининг топшириғига мувофиқ у ишлаётган ташкилот бухгалтерияси унинг ойлик иш ҳақидан суғурта мукофотини ушлаб қолиши ва бу маблағни суғурталовчининг ҳисоб рақамига ўтказишга мажбурдир.

Агар қандайдир сабабга кўра суғурта қилдирувчи ўз мулкини суғурта қилиш бўйича шартномани тузиш тўғрисидаги қарорини ўзгартирса, суғурта

мукофоти тўлангунга қадар ташкилот бухгалтериясига топшириқни бекор қилиш бўйича ёзма топшириқ бериши мумкин.

Суғурта агенти ўзи расмийлаштирган суғурта полислари ва бошқа ҳужжатларнинг тўғрилигини текшириш (тариф ставкаларининг қўлланилиши, суғурта мукофотининг ҳисобланиши ва бошқалар) учун уларни суғурталовчига тақдим этиши мумкин. Ҳужжатларнинг тўғри расмийлаштирилганлигини кўздан кечириш, бевосита, суғурта агенти иштирокида амалга оширилади. Агар текшириш натижасида ҳужжатларни расмийлаштириш бўйича камчиликлар аниқланса, уларни зудлик билан бартараф этиш чоралари кўрилади.

Суғурта агенти суғурта қилдирувчи фуқаролар ишлаётган ташкилот бухгалтериясида у томонидан топширилган топшириқ рўйхат нусхасида зарурий қайдлар амалга оширилганлигини текшириши шарт. Яъни, ушлаб қолинган ва ўтказилган суғурта мукофотлари умумий суммаси тўғрисидаги маълумотнома тўлдирилганлиги, суғурта мукофотини ойлик иш ҳақидан ушлаб қолиш бўйича топшириқ берган барча суғурта қилдирувчилар учун ҳисобланган суғурта мукофоти суғурталовчи ҳисоб рақамига тўлиқ кўчирилганлиги ва пул кўчиришни амалга оширган бухгалтернинг имзоси мавжудлиги текшириб кўрилади. Мабодо, у ёки бу фуқаро учун суғурта мукофоти суммаси кўчирилмаган бўлса, унинг сабаблари кўрсатилади (масалан, “ишдан бўшаган”, “иш ҳақи ҳисобланмаган”, “топшириқ бекор қилинган”).

Суғурталовчининг ҳисоб рақамига суғурта мукофоти келиб тушгандан ва суғурта агенти томонидан суғурта қилдирувчилар меҳнат қилаётган ташкилот бухгалтериясидан топшириқномалар рўйхати нусхаси олингандан сўнг суғурта полислари шартноманинг амал қилиш муддати ва суғурта мукофоти тўланган сана кўрсатилган ҳолда *тўлиқ* расмийлаштирилади. Суғурта полисини суғурта қилдирувчига топшириш куни полис берилган сана сифатида қайд этилади.

Топшириқнома берган фуқаро учун суғурта мукофоти тўланмаган тақдирда бу шахс учун суғурта шартномаси тузилмаган ҳисобланади.

Агар фуқаро мулкни суғурта қилиш шартномаси бўйича суғурта мукофотини нақд пулсиз шаклда тўлаш ва суғурта полисини тақдим этиш билан бир вақтнинг ўзида суғурта мукофотларини тўланганлиги тўғрисидаги топшириқнома олинган бўлсада, аммо суғурта мукофоти ҳақиқатда пул кўчириш йўли билан ўтказилмаган бўлса, у ҳолда суғурта полисининг нухасига тегишли маълумот қайд этилади. Бундан ташқари, суғурта агенти суғурта мукофоти тўламаган шахсга берилган суғурта полисини қайтариб олиши ва уни суғурталовчига топшириши шарт.

Суғурта мукофотини нақд пулсиз шаклда тўлаш йўли билан фуқарога тегишли мулкни суғурта қилиш бўйича шартнома тузилаётганда суғурта агенти мазкур суғурта турининг ихтиёрийлик таъминоти асосланишига қатъий риоя этиши лозим. Суғурта мукофотини ойлик иш ҳақи ҳисобидан тўлаш тўғрисидаги топшириқнома суғурта қилдирувчи томонидан шахсан имзоланиши лозим.

Суғурта полиси суғурта мукофотини ойлик иш ҳақидан тўлаш бўйича топшириқнома берган фуқаронинг оила аъзоларидан бирининг номига ҳам ёзилиши мумкин, аммо бу ҳақда тўлов топшириқномасида тегишли ёзув қайд этилган бўлиши зарур. Суғурталовчининг жисмоний шахслар мол-мулкни суғурта қилиш қоидаларида мулкни кўриқдан ўтказиб, кейин суғуртага қабул қилиш зарурлиги кўрсатилган бўлса, у ҳолда суғурта агенти бу қоидага риоя этиши керак.

Суғурта шартномаси қайси муддатга тузилган бўлса, шартнома кучга кирган санадан то у амалда бўлган санагача давом этади, яъни кучга кирган санадан бир кун олдин тугайди. Масалан, суғурта шартномаси 1 йил муддатга тузилди ва 2008 йил 5 октябрда кучга кирди. Унинг амал қилиш муддати 2009 йил 4 октябрда тугайди. Баён этилган мазкур тартиб илк марта тузилаётган суғурта шартномалари ёки олдин тузилган ва амал қилиш муддати тугагандан сўнг янги муддатга расмийлаштирилаётган шартномалар

учун қўлланилади. Шунингдек, бундай тартиб суғурта суммаси миқдори ошиши билан боғлиқ қўшимча келишувларни имзолашда ҳам қўлланилади.

Транспорт воситасини суғурта қилишда суғурта шартномаси, агар бу транспорт воситаси автосалондан сотиб олинаётган бўлса, шу заҳоти шартнома расмийлаштирилади, аммо унинг кучга кириши транспорт воситасини ҳақиқатда олган кундан бошланади. Ҳайвонлар касалликлардан нобуд бўлган ҳолатда суғурталовчининг суғурта товонини тўлаш мажбурияти суғурта шартномаси кучга киргандан сўнг 10 кундан кейин бошланади. Масалан, 15 январда суғурта мукофотини нақд пул тўлаш йўли билан тузилган суғурта шартномаси бўйича суғурталовчининг жавобгарлиги 26 январдан бошланади. Бироқ, суғурталовчининг касалликлардан нобуд бўлган ҳайвонлар учун суғурта товонини тўлаш мажбурияти 6 февралдан, яъни суғурта шартномаси кучга кирган кундан 10 кун кейин бошланади.

Жисмоний шахсларга тегишли уй мулки, иншоотлар ва транспорт воситаларини суғурта қилиш бўйича асосий шартнома амалда бўлган даврда суғурта қилдирувчининг таклифига асосан суғурта суммаси миқдорини ошириш бўйича қўшимча келишувга эришилиши мумкин. Бундай ҳолатда ҳам асосий шартномада, ҳам қўшимча келишувда кўрсатилган уй мулклари, иншоотлар ва транспорт воситасининг умумий суғурта суммаси уларнинг амалдаги нархлардан келиб чиққан ҳолдаги (эскириш суммаси ҳисобга олинган ҳолда) қийматидан ошиб кетиши мумкин эмас.

Иншоотларни суғурта қилиш бўйича амалда бўлган суғурта шартномасига қўшимча келишув яна шундай ҳолатларда тузилиши мумкинки, мазкур иншоотга етказилган зарар қоплангандан сўнг суғурта қилдирувчи иншоотни таъмирдан чиқариб, суғурта суммасини оширишга хоҳиш бўлганда. Қўшимча келишув фақат асосий шартноманинг амал қилиш муддатига қадар тузилиши мумкин. Масалан, асосий шартноманинг амал қилиш муддати 10 декабрда тугайди. Демак, мазкур асосий шартномага қўшимча келишув 10 декабргача бўлган муддатга тузилиши мумкин.

Қўшимча келишув бўйича суғурта мукофоти, қоидага кўра, суғурта мукофоти йиллик суммасидан келиб чиққан ҳолда қуйидаги миқдорларда тўланади:

Уй мулкани суғурта қилишда суғурта мукофотлари йиллик суғурта мукофотлари суммасининг қуйидаги миқдорларида тўланади: 1 ойга - 15 фоизи; 2 ойга - 30 фоизи; 3 ойга - 40 фоизи; 4 ойга - 50 фоизи; 5 ойга - 60 фоизи; 6 ойга - 70 фоизи; 7 ойга - 75 фоизи; 8 ойга - 80 фоизи; 9 ойга - 85 фоизи; 10 ойга - 90 фоизи; 11 ойга - 95 фоизи.

Иншоотлар ва транспорт воситаларини суғурта қилишда (каска) суғурта мукофотлари йиллик суғурта мукофотлари суммасининг қуйидаги миқдорларида тўланади: 1 ойга - 20 фоизи; 2 ойга - 40 фоизи; 3 ойга - 45 фоизи; 4 ойга - 50 фоизи; 5 ойга - 60 фоизи; 6 ойга - 70 фоизи; 7 ойга - 75 фоизи; 8 ойга - 80 фоизи; 9 ойга - 85 фоизи; 10 ойга - 90 фоизи; 11 ойга - 95 фоизи.

Бунда шуни эътиборга олиш лозимки, тўлиқ бўлмаган ой учун тўланган суғурта мукофоти тўлиқ ой учун тўланган деб ҳисобланади.

Мисол: асосий шартномага қўшимча келишувнинг амал қилиш муддати 2009 йил 18 январдан 2009 йилнинг 23 сентябргача белгиланган, яъни асосий шартноманинг амал қилиш муддатигача. Бу ерда суғурта мукофоти 9 ой учун тўлиқ тўланади, 8 ой учун - тўлиқ (18 январдан 17 сентябргача), тўлиқ бўлмаган 1 ой учун (18 сентябрдан 23 сентябргача) ҳам тўлиқ ой учун тўланган деб ҳисобланади.

Суғурта шартномаларини қайтадан тузиш. Суғурта қилдирувчи суғурта шартномаси муддати тугагунга қадар уни янги муддатга тузиши мумкин. Суғурта мукофотининг қайси куни ва қачон тўланганидан қатъий назар, аввал амалда бўлган шартнома тугаши билан янги муддатга тузилган суғурта шартномаси кучга киради. Мисол учун, суғурта шартномасининг муддати 18 октябрда тугайди, суғурта қилдирувчи 25 сентябрда суғурта шартномасини янги муддатга тузади. Бундай ҳолатда янги муддатга тузилган суғурта

шартномаси 26 сентябрдан эмас, балки аввалги суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаши биланок, яъни 19 октябрдан кучга киради.

Суғурта шартномаси тузилишидан олдин суғурта агенти бажариши зарур бўлган ҳолатларга эътиборни қаратиш ҳам муҳимдир. Фуқароларга тегишли мулкларни нотўғри тузилишини олдини олиш мақсадида агент суғурта полисини расмийлаштиришдан аввал қуйидагиларга ўз эътиборини қаратиши лозим:

- суғуртага қабул қилинаётган мулкларни ҳақиқатан ҳам шартнома тузаётган шахсга тегишли эканлигини текшириш (мулклар фуқаронинг шахсий мулки бўлиши керак, транспорт воситаларини суғурта қилишда, бундан ташқари, мазкур транспорт воситаси бошқа шахсларга нотариал тасдиқланган ишончнома асосида берилганми ёки йўқлиги ҳам текширилади);

- фуқаронинг мулки жойлашган жой расмийлар томонидан сув тошқини ёки бошқа табиий офатлар таҳдид солиши мумкин бўлган ҳудуд деб эълон қилинганми ёки йўқлигини аниқлаштириш зарур;

- фуқаролар иншоотини ихтиёрий суғурта қилишда аниқ суғурта суммасини чиқариш учун иншоотларнинг баҳосини аниқлаштириш керак;

- фуқарога тегишли ҳайвонларни суғурта қилишда ҳўжаликда мавжуд бўлган бир хил турдаги барча ҳайвонлар сони ва уларнинг ёшига қараб гуруҳларини аниқлаш талаб этилади;

- уй мулки ва иншоотларни, айниқса, дала ҳовлиларни суғурта қилишда шуни аниқлаштириш лозимки, улар суғурта қилдирувчи ёки у тайинланган шахс томонидан мунтазам назорат қилиб борилиши, қўриқлаш сигнализацияси мавжудлигига эътиборни қаратиши зарур. Агар бундай назорат мавжуд бўлмаса, суғурта шартномаси тузиш тавсия этилмайди;

- суғуртага мулкларни қабул қилиш жараёнида суғурта қилдирувчи иштирокида, албатта, уларни кўздан кечириш керак. Фуқарога тегишли транспорт воситасини суғуртага қабул қилишда эса мазкур транспорт воситасига эгалик қилиш ҳуқуқини берувчи тегишли ҳужжатлар ва техник


паспортни кўриш ҳамда махсус жадвалга (агар жадвал суғурталовчи томонидан ишлаб чиқилган ва бу жадвал билан агент таъминланган бўлса) мувофиқ транспорт воситасининг эскириш суммасига мувофиқ суғурта мукофоти суммасидан чегирмаларни айиради. Уй ҳайвонларини суғурта қилишда суғуртага қабул қилинаётган ҳайвонларнинг соғлиги талаб даражасида ёки йўқми ва мазкур ҳудуд учун карантин эълон қилинмаганми каби масалаларга агент ўз эътиборини қаратиши керак (агар ҳайвонлар касалликка чалинган бўлса, туғиш ҳолатида ёки туққандан кейин кузатувда бўлган бўлса, шунингдек, сўнгги тиббий текширув жараёнида ҳайвонларда бруцеллез ёхуд туберкулез касалликларига чалинганликларининг аломатлари пайдо бўлган бўлса, бундай ҳайвонлар суғуртага қабул қилинмайди);

- суғуртага қабул қилинаётган мулклар жойлашган жой, уй ҳақиқатан суғурта қилдирувчининг доимий яшаш жойими ёки йўқлигини ҳам назардан четда қолдирмаслик талаб этилади.

3.3. Суғурта тўғрисидаги аризани расмийлаштиришни ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш йўллари

Суғурта муносабатларини ривожлантириш кўп жиҳатдан қонун ҳужжатлар келиб чиқиб суғурта аризаларини расмийлаштириш муҳим муаммо бўлиб қолмоқда. Шу ўринда қайд этиш лозимки, суғурта тўғрисидаги аризани расмийлаштириш ёзма шаклда тузилади. Суғуртанинг ҳар бир тури бўйича ўрнатилган тартибдаги шакл бўйича ариза суғурта шартномаси тузиш учун асос бўлади. Ариза суғурта қилдирувчининг ўз қўли билан, зарурият бўлганда унинг илтимосига кўра ва сўзларини эътиборга олиб агент томонидан тўлдирилади. Аризада суғурта қилдирувчининг исми ва фамилияси унинг паспорт маълумотларига таянган ҳолда кўрсатилади, суғурта қилинган боланинг исми ва фамилияси эса туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома маълумотларига мувофиқ тўлдирилади. Суғурта қилиш

тўғрисидаги аризада кўрсатилган ҳамма саволларга аниқ ва равшан жавоб ёзилган бўлиши керак, жавобларнинг ўрнига чизикча қўйишга йўл қўйилмайди.



5-чизма. Суғурта қилдирувчи суғурта қопламасини тўлаш ҳақидаги аризасида эътироф этиладиган кўрсаткичлар

Суғурта қилдирувчидан олинган аризани агент суғурталовчига текшириш учун кейинги ҳисобот куни топшириши мумкин. Мисол учун, ҳаётни суғурта қилиш тўғрисида нотўғри тўлдирилган аризада суғурталовчи хатолар мавжудлигини аниқласа, у ҳолда ариза агентга қайта расмийлаштириш учун топширилади.

Ҳаётни аралаш ва никоҳ суғуртаси бўйича аризада суғурта қилдирувчининг туғилган йили эмас, балки ариза берган пайтда неча ёшда эканлиги, яъни 25 ёш ва ҳоказо ёзилади. Ҳаётни аралаш суғуртаси бўйича шартнома муддати расмийлаштирилаётганда аризада суғурта қилдирувчининг хоҳишига кўра 5, 10, 15 ёки 20 рақамлари ёзиб қўйилади. Бу муддат шундай белгиланадики, шартнома муддати тугаганда суғурта қилдирувчининг ёши суғурталовчи томонидан ўрнатилган чегарадан ошиб

кетмаслиги керак. Никоҳ ва болалар суғуртаси бўйича шартнома тузилаётганда болаларнинг ёши ариза берган кун бўйича тўлиқ йилларда ёзилади. Бу ерда 6 ойга етмаган болаларнинг фойдасига суғурта шартномаси тузилаётган ҳолатлар мустаснодир. Агар боланинг ёши 6 ойга етмаган бўлса, суғурта қилиш тўғрисидаги аризада унинг ёши 1 ой, 3 ой ёки 5 ой деб ёзиб қўйилади. Боланинг ёши 3-11 ой бўлса, у ҳолда суғурта қилиш тўғрисидаги аризада боланинг ёши 1 ёш деб кўрсатилади. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, болаларни ва никоҳ суғуртасида болаларнинг ёши ариза тўлдирилаётган кунда суғурталовчи томонидан ўрнатилган чегарадан ошиб кетмаслиги зарур.

Агент шунини ёдида сақлаши керакки, никоҳ суғуртаси ва болаларни суғурта қилиш шартлари бўйича шартнома муддатини тўғри белгилаш боланинг ёшини аризада аниқ кўрсатишга чамбарчас боғлиқдир. Бунинг сабаби шундаки, мазкур суғурта турлари бўйича шартнома муддатлари боланинг ёши ва унинг 18 ёшга тўлиши ўртасидаги фарқ сифатида кўрсатилади.

1-мисол. 2012 йил январь ойида туғилган боланинг фойдасига суғурта қилиш бўйича ариза 2012 йил июнь ойида берилди. Яъни, ариза берилган кунда бола 5 ойлик бўлган. Болаларни суғурта қилиш бўйича шартнома тузилаётганда аризада боланинг ёши “5 ой” деб кўрсатилади, шартноманинг амал қилиш муддати эса 18 йил деб кўрсатилади. Никоҳ суғуртаси бўйича шартномани расмийлаштираётганда аризада боланинг ёшини “1 ёш”, шартнома муддатини эса 17 йил деб кўрсатиш зарур.

2-мисол. 2012 йил июнь ойида суғурта қилиш тўғрисида берилган аризада, бола 2011 йил март ойида туғилганлиги қайд этилган: кўриниб турибдики, боланинг ёши 1 йилу 3 ойга тенг. Болаларни суғурта қилиш бўладими ёки никоҳ суғуртаси бўладими, бундан қатъий назар шартномада боланинг ёши 2 ёш деб кўрсатилади ва шартнома муддати 16 йил деб белгиланади.

Ҳаётни суғурта қилиш бўйича берилган аризада суғуртанинг бошланиш муддати суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофотини тўлаш мажбурияти олинган ой ёки суғурта мукофоти нақд пул шаклида тўланган ойнинг 1-санаси ҳисобланади. Шартноманинг тугаш муддати эса шартнома амалда бўлган охириги йилга тегишли ойнинг сўнгги санаси ҳисобланади.

Мисол. 2013 йил 15 майда суғурта қилдирувчи 5 йил муддатга ҳаётни аралаш суғуртаси бўйича ариза берди ва суғурта мукофотининг дастлабки қисмини шу ойда тўлади. Бундай ҳолатда суғурта шартномасининг амал қилиш муддати 2013 йил 1 май, тугаш муддати эса 2018 йил 31 апрел деб ҳисобланади.

Агар суғурта қилиш тўғрисидаги ариза суғурта қилдирувчи ишлаётган ташкилотда суғурта мукофотларини ушлаб қолиш бўйича рўйхат берилган кундан кейин тақдим этилган бўлса ва унда суғурта қилдирувчи суғурта мукофоти ёки унинг бир қисмини нақд пулсиз шаклда амалга ошириш мажбуриятини олган бўлса, суғурта қилиш тўғрисидаги аризада суғурта мукофотининг дастлабки қисми ариза берилган ойдан ушлаб қолинади, деб кўрсатмаслик зарур. Бундай ҳолатда суғурта муддати кейинги ойнинг биринчи санасидан бошланади.

Мисол. 2012 йил 20 майда берилган аризада суғурта қилдирувчи суғурта мукофотларини нақд пулсиз шаклда тўлашини баён этган. Ушбу суғурта қилдирувчи ишлаётган ташкилотда суғурта мукофотларини ушлаб қолиш тўғрисидаги рўйхатни суғурта агенти томонидан тақдим қилиш муддати 2012 йил 8 май санаси белгиланган. Табиийки, бу сана суғурта мукофотларини ушлаб қолиш тўғрисидаги агент ташкилотга тақдим этган рўйхат берилган кундан ўтиб кетган. Шу туфайли, 2012 йил 20 майда берилган ариза бўйича суғурта муддати 2012 йил 1 июндан бошланади. Аризанинг “дастлабки мукофотни 20__ - да тўлаш мажбуриятини оламан” деган қисмида “июнь” ойи кўрсатилиши зарур.

Суғурта қилдирувчи суғурта мукофотларини суғурта шартномасининг бутун амал қилиши давомида бўлиб-бўлиб ёки бир маротаба тўлиқ тўлаши мумкин. Ҳаётни суғурта қилишда ойлик суғурта мукофотлари тегишли суғурта қилиш қондасига илова қилинган жадвалга мувофиқ аниқланади. Бу сумма суғурта қилиш тўғрисидаги аризада ялпи суғурта суммасига нисбатан сўмда кўрсатилади. Суғурта қилдирувчи томонидан тўланадиган ойлик суғурта мукофотлари миқдорини аниқлашда суғурта агенти эътиборли бўлиши талаб этилади. Ойда бир маротаба тўланадиган суғурта мукофоти миқдорини нотўғри ҳисоблаш, пировардида, суғурта қилдирувчи томонидан суғурта мукофотларини тўлиқ тўламасликка ёхуд келишилган суғурта суммасидан ортиқча тўлаб юборишга сабаб бўлиши мумкин.

Суғурта қилдирувчи томонидан тўланадиган бир маротабалик мукофот суғуртанинг тури, муддати, суғурта суммаси ва суғурта қилдирувчининг ёшини ҳисобга олган ҳолда тегишли жадвалга мувофиқ аниқланади (болаларни суғурта қилишда - боланинг ёши, никоҳ суғуртасида эса боланинг ва суғурта қилдирувчининг ёши) ва фақат нақд пул кўринишида олинади. Агар суғурта қилдирувчида суғурта қилиш тўғрисидаги аризани расмийлаштириш кунида айти шу суғурта тури бўйича шартнома мавжуд бўлса, у ҳолда аризада ушбу шартнома бўйича суғурта суммаси қанча миқдорни ташкил этганлиги албатта кўрсатилиши шарт. Агентга шу нарса маълум бўлиши керакки, суғурталовчи бир шахс билан ҳаётни суғурта қилишнинг у ёки бу тури билан мустақил суғурта шартномасини тузиши мумкин.

Ҳаётни аралаш суғуртаси бўйича тузилган шартномага асосан суғурта қилдирувчи ўзи вафот этган тақдирда суғурта суммасини олиш учун ўзига қариндош бўлган ёки қариндош бўлмаган ҳар қандай шахсни ёки бир неча шахсларни наф олувчи сифатида тайинлаши мумкин. Шундай бўлишига қарамай, суғурта қилдирувчига агар у вафот этган тақдирда суғурта суммасини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахс сифатида қариндошларни тайинлашни тавсия этиш зарур. Бу шубҳасиз суғурта суммасини олишда

ортикча муаммолар келиб чиқишининг олдини олади. Агар суғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда суғурта суммасини олиш ҳуқуқига эга шахс сифатида якин қариндошлари кўрсатиладиган бўлса, у ҳолда унинг суғурта қилдирувчига қариндошчилик муносабати (эри, хотини, кизи, уғли ва бошқалар) аниқ кўрсатилиши керак. Агар суғурта агенти иштирокида тузилган шартнома бўйича суғурта қилдирувчи вафот этган тақдирда мазкур суғурта агенти суғурта суммасини олиш ҳуқуқини берувчи шахс сифатида тайинланиши мумкин эмас.

Аризанинг "Суғурта мукофотини _____ тўлайман" деб номланган қаторида суғурта қилдирувчи суғурта мукофотини "нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан" ёки "нақд пул билан" тўлашини аниқ ёзиши керак. Суғурта агенти аниқ билиши керак, барча тоифадаги суғурта қилдирувчилар суғурта мукофотларини нақд пул шаклида ҳам, нақд пулсиз шаклда ҳам тўлашлари мумкин. Суғурта мукофотларини нақд пулсиз шаклда тўлаш имконияти бўлса, аризада агент суғурта қилдирувчи ташкилотида иш ҳақи қачон берилиши ва ундан суғурта мукофоти ушлаб қолинишини кўрсатиши керак. Суғурта қилиш тўғрисидаги ариза суғурта қилдирувчи томонидан имзоланиши зарур. Аризага имзо қўйишдан олдин агент суғурта қилдирувчидан яна бир бор аризадаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилигига эътибор қаратишини тавсия этиши зарур.

Ҳаётни суғурта қилиш бўйича полисларнинг ёзилиши. Ҳаётни суғурта қилиш бўйича полислар суғурта агентлари томонидан суғурта қилдирувчиларнинг аризасига асосан ёзилади ва суғурталовчи раҳбари ёки ваколатли шахс уларни имзолайди. Суғурта агентлари полисларни имзолаш ҳуқуқига эга эмаслар. Агентлар суғурта полисини фақатгина ўзлари учун ажратилган қаторига "Суғурта агенти (ф.и.ш., имзо)_____" деган жойга имзо қўйишлари мумкин.

Суғурта полисидаги барча реквизитлар суғурта қилиш тўғрисидаги аризада келтирилган маълумотларга асосланиб тўлдирилади. Суғурта полисига тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди. Суғурта полисини ёзишда

хатоликларга йўл қўйилса, бундай ҳолатда мазкур суғурта полисига бузилган деган ёзув ёзилади ва у янғиси билан алмаштирилади.

Шартнома бўйича суғурта мукофоти бир маротаба тўлиқ тўланган тақдирда суғурта полиси суғурта агенти томонидан мукофот тўланганлигини тасдиқловчи квитанция нусхаси ёки суғурта мукофотини тижорат банки кассасига тўланганлигини асословчи тўлов топшириқномаси нусхаси суғурталовчига тақдим этилгандан сўнг суғурта полиси имзоланади. Суғурта қилдирувчи ёки унинг топшириғига асосан бошқа шахс у учун суғурта мукофотини нақд пул шаклида тўлаган ҳолда унга тегишли квитанция берилади. Агар суғурта мукофоти бир неча ойлар учун тўланадиган бўлса, унда ҳар бир тўланган мукофот учун суғурта қилдирувчига алоқида квитанция берилади. Квитанциянинг барча реквизитлари аниқ ва тузатишларсиз тўлдирилиши шарт.

Агент шунга алоҳида эътибор қаратиши лозимки, суғурта мукофотини тўлаш бўйича квитанция тўлдираётганда "Фуқаро _____дан _____сўм олинди" деган қаторга суғурта қилдирувчининг топшириғига кўра суғурта мукофотини тўлаган шахснинг ёки суғурта шартномаси фойдасини кўзлаб тузилган боланинг эмас, балки суғурта қилдирувчининг фамилияси, исми ва отасининг исми тўлиқ ҳамда аниқ ёзилиши керак. Ҳаётни суғурта қилиш тўғрисидаги шартномалар суғурталовчининг суғурта тўғрисидаги аризаларини ҳисобга олиш китобида рўйхатга олганларидан сўнг агент томонидан ҳаётни суғурта қилиш бўйича тўланган суғурта мукофотларини ҳисобга олиш журналида ёзилади. Журналда агент суғурта мукофотининг нақд пулсиз ёки нақд пулда тўланганлигини қайд этиши лозим. Журнал сўнгида агент нақд пул шаклида тўланган суғурта мукофотлари бўйича шартномалар тўғрисидаги маълумотларни ёзиш учун бир неча варақ қолдириши керак. Суғурта мукофоти нақд пул шаклида тўланган бўлса, у ҳолда журналга агент бир пайтнинг ўзида суғурта қилдирувчига квитанция берилганлигини ҳам қайд этиб қўйиши лозим. Суғурталовчига ўз фаолияти бўйича ҳисобот тақдим этаётганда суғурта агенти унга суғурта мукофотлари

тушумининг тўғрилигини текшириши учун тегишли журнални ҳам тақдим этади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб йўли билан суғурта мукофотини бир ой олдин тўламоқчи бўлган ҳар бир суғурта қилдирувчидан суғурта агенти ёзма равишда розилик олиши керак. Суғурта қилдирувчининг розилиги олингандан сўнг суғурта агенти унинг фамилиясини суғурта мукофотларини ушлаб қолингалиги тўғрисидаги рўйхатга мукофот қайси ой учун тўланганлигини кўрсатган ҳолда ёзиши зарур. Суғурта қилдирувчининг розилик хати суғурта мукофоти ушлаб қолингалиги тўғрисидаги рўйхат билан бирга суғурталовчида сакланади. Икки ой учун мукофот ушлаб қолинган ойдан кейинги ойдан бошлаб агент суғурта қилдирувчидан навбатдаги ой учун суғурта мукофотини олади ва кейинчалик ҳам мунтазам

Ўз фикримизни умумлаштирган ҳолда айтиш жоизки, суғурта мукофотларини тулаш устидан назорат олиб бориш энг муҳим аҳамиятга эга. Суғурта агенти суғурта қилдирувчи томонидан мукофотларни нақд пул ёки нақд пулсиз шаклда ўз вақтида тўланаётганлиги устидан доимий назорат ўрнатиш билан бир қаторда топшириқ шартномаси (агент битими)да белгиланган муддатларда суғурталовчига ҳаётни суғурта қилишнинг шартномалари тўғрисидаги барча маълумотларни, хусусан, икки ой кетма-кет тўланмаган суғурта мукофотлари бўйича ҳам маълумотларни суғурталовчига тақдим этиб бориши лозим. Агар никоҳ суғуртаси бўйича суғурта мукофоти кетма-кет тўланмаслигининг сабаби суғурта қилдирувчининг вафот этганлиги бўлса, у ҳолда суғурта агенти суғурта шартномаси кимнинг фойдасини кўзлаб тузилган бўлса, ўша шахсдан ёки унинг қонуний вакилидан (отаси, онаси, васий) суғурта полисини, ФХҚД томонидан олинган суғурта қилдирувчининг вафот этганлиги тўғрисидаги гувоҳномани (нотариал тартибда тасдиқланган унинг нусхасини), агар охириги суғурта мукофоти нақд пул шаклида тўланган бўлса, унинг квитанциясини ҳамда ўрнатилган шаклдаги аризани олиши шарт.

Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаган ҳолда ва суғурта қилдирувчига суғурта суммаси тўлиқ тўлангандан сўнг агент журналга тегишли маълумотни, яъни суғурта шартномаси муддати тугаганлигини қайд этиши лозим. Бу кейинчалик мазкур суғурта қилдирувчидан, агар у суғурта мукофотини нақд пул шаклида тўлаётган бўлса, уни ундирмаслик, агар суғурта мукофоти пул ўтказиш йўли билан тўланаётган бўлса, суғурта қилдирувчи ташкилот ишлаётган ташкилотга тақдим этилаётган рўйхатга унинг фамилиясини киритмаслик учун зарур бўлади. Шундан сўнг агент суғурталовчига шартнома муддати тугаётган суғурта қилдирувчилар рўйхатини топшириши лозим.

Суғурта қилдирувчи шартнома муддати тугаши муносабати билан суғурта суммасини олиш бўйича суғурталовчига ариза беради. Бунда ундан суғурта мукофоти тўлаш талаб этилмаслиги лозим. Суғурта шартномаси муддати тугашидан бир ой олдин суғурта агенти суғурталовчига шартнома муддати тугаётган суғурта қилдирувчилар тўғрисидаги рўйхатни бериши шарт. Мана шу муддат ичида агент шартнома тугаётган барча суғурта қилдирувчилар билан бевосита учрашиб, улардан суғурта полисини ва сўнгги марта тўланган суғурта мукофоти квитанциясини (агар суғурта мукофоти нақд пул шаклида тўланган бўлса), суғурта суммасини банкда очилган ҳисоб рақамига ўтказишини сўраб ёзилган аризасини (агар суғурта мукофоти нақд пулсиз шаклида тўланган бўлса) олиши муҳимдир.

4-БОБ. «ЎЗАГРОСУҒУРТА» ДАСК БУЛУНҒУР ТУМАН БЎЛИМИДА ҲАЁТ ФАОЛИЯТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ҲОЛАТИ ВА САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Президентимиз И.А.Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикамиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданок «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Жамият ва табиат асоси, уни ўз фаолияти билан ривожлантирувчи ва бошқарувчиси инсон эканлигини эътиборга олиб, унинг ҳаёт фаолиятини яхшилаш, эъзозлаш – тараққиёт йўлидаги муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, мустақиллигимизнинг дастлабки кунларидан фуқароларимизнинг ҳаёт шароитини яхшилаш, уларни турли таъсирлардан сақлаш, ҳар қандай ҳолатда ҳам эҳтиёт этиб, муҳофаза этиш асосий эзгу мақсад қилиб олинган.

Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги тушунчаси ўз ичига инсоннинг жамиятда ишлаб чиқаришда, яшашида, фаолият олиб боришида муҳитнинг хавфсиз бўлиши, табиий ва техноген хусусиятли вазиятлардан сақланиши, қуруш ва терроризм ҳуружидан ҳимояланиши, табиат ва одамзот қуюнлигини сақлаши, умуман олганда, инсоннинг шу заминдаги ҳаётининг хавфсизлигини таъминлаш тушунилади.

Она саёрамизда илк адамларни кўйган ва тафаккур имконияти даражасига кўтарилган узоқ аجدодларимиз яшаш жойларида ўзларига хавф солиб турган йирғичлардан ҳам хавфли офатлар бўлишини тезда тушиниб етишган. Чунки, ўша даврларда ҳам зилзилалар, вулқонлар, тўфонлар, сув тошқинлари ва бошқа табиий офатлар инсонларнинг ожиз ва сийрак кабилаларига сезиларли зарар етказиб турган.

Инсоният XX1 асрга адам ўяр екан, ўтган давр мобайнидаги сову урушлар, тинчлик даврларида ўлланилган замонавий уроллар, турли кўринишдаги фалокатлар ва боша муаммоларни талил илади ва янги аср бўсаасида бажариладиган тадбирларни ар томонлама асослаган олда белгилаб олади.

XX аср поёнида хавфсиз ҳаётни таъминлаш масалалари энг долзарб муаммога айланиб қолди, чунки ишлаб чиқаришни юқори тараққий этган технологиялар билан таъминлаши, табиий ривожланишдаги айрим нохуш вазиятларнинг мураккаблашуви аҳоли саломатлиги, атроф-муҳит тозаллиги ва иқтисодни барқарор ривожланишига хавф солиб турибди. Шунинг учун энг муҳим вазифалар Ўзбекистон аҳолиси ҳаёт фаолиятини ва ҳудудини турли хил вазиятлардан муҳофаза қилиш, экологик хавфсизликни, айниқса фуқаро меҳнатини муҳофазасини таъминлаш ҳисобланади. Республикамиз Президенти И.А.Каримов «Ўзбекистон ХХИ аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» асарида «Екологик хавфсизлик муаммоси аллақачонлар миллий ва минтаавий доирадан чиқиб, бутун инсониятнинг умумий муаммосига айланган»лигини эътироф этганлар. «Ўзбекистон ХХИ асрга интилоқда» асарида Президентимиз ватанимизнинг яхлитлиги, аҳоли хавфсизлиги таҳдиди тўғрисида батафсил тўхтаб ўтганлар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-иқтисодий зарурият асосида шаклланмоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва

алокатлардан сақлаш уларнинг меҳнاتини, яшадини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга эришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган қўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. «Ўзагросуғурта» ДАСК Булунғур туман бўлими ходимлари меҳнат фаолиятини муҳофазасини ҳолати

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайитиришда, ишга

қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, ноҳуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриктан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Сўнгги вақтларда соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва тиббий кадрлар тайёрлаш бўйича катта ишлар амалга оширилаяпти, меҳнат ва яшаш шароитларини яхшилаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш борасида мажмуавий дастурлар амалга оширилмоқда, юқумли, умумий хас-таликлар ҳамда касб касалликларни ташхислаш, даволаш ва профилактика қилишнинг энг янги усуллари ишлаб чиқилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бироқ, қўлга киритилган катта ютуқларга қарамай, бозор муносабатларига ўтиш шароитларида, кичик корхоналар кўпаяётган бир пайтда (бу ерда меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилмаслик ҳоллари рўй бермоқда) қишлоқ хўжалиги ва саноатда машғул бўлган ходимларга кўрсатаётган соғлиқни сақлаш ходимларига қўйилаётган талаблар пасайгани йўқ. Бу айниқса, ходимларни ишга киришдан олдин дастлабки ва даврий тиббий кўриклардан ўтказиш тизимини такомиллаштириш муаммосига тааллуқлидир, уларнинг нечоғлик сифатли ўтказилиши, умумий ва касб касалликларида профилактика чора-тадбирларини мақсадга мувофиқ йўналтирилган даражасига бўлиқ бўлади.

Умумий ва касб касалликларини, бахциз ҳодисаларнинг олдини олиш, ходимлар меҳнатини муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида бу кўрикларнинг паст савияда ўтказилиши келгусида сурункали касалликларнинг тез-тез учраб туришининг кўпайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу эса ўз навбатида ишлаш унумдорлигининг пасайишига, иқтисодий куч-қувватларнинг сусайишига олиб боради, яъни салбий ижтимоий оқибатларга сабаб бўлади.

Ҳозирги вақтда Ўзбекистон саноатида, қурилишда ва қишлоқ хўжалигида 3 млн. дан ортиқ одам ишлайди, улардан 1 млн. ноҳуш ва зарарли меҳнат шароитларида, шу жумладан 200 минг аёл ишламоқда. Кўп корхоналарда асосий касб гуруҳларида зарарли ва хавфли ишлаб чиқариш

омиллари (шовқин, тебраниш, кимёвий бирикмалар ва ҳоказолар)га кўйиладиган рухсат этувчи гигиеник қоидаларнинг бузилишига йўл кўйилмоқда. Бу эса касбдан касалланишнинг асосий негизини кўп жиҳатдан ишга вақтинча қобилияцизликка алоқадор касалликларни келтириб чиқаради.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, баъзи бир саноат корхоналарида меҳнат шароитлари ва касбдан касалланишнинг ҳақиқий аҳволи санитария-эпидемиология хизмати томонидан кўриладиган чораларнинг етарлича самарали бўлмаслигидан ва ходимларнинг касбдан касалланишини муҳофаза қилиш борасида ўз касб бурчини тамойилиал ва пухта бажармаслигидан далолат беради.

Мана шу вазифаларни муваффақиятли олиб бормай туриб, зарарланган ҳудудларда, объекларда мўтадил ҳаёт фаолиятини яратиб бўлмайди. Бу ишларни давлат органлари орқали, фуқаро муҳофазаси бошчилигида бутун халқ ёрдамида амалга оширилади.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ) кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

4.3. «Ўзагросуғурта» ДАСК Булунғур туман бўлимида ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, хавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кўраш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усуллари меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Ҳозирги вақтда республикаимиз ташкилот ва корхоналарида ёнғин хавфсизлигини камайтириш борасида бир қатор ишлар амалга оширилган. Хусусан, корхоналарда ёнғин чиқиш хавфи камайтирилган ва бутунлай хавфсиз ишлайдиган электр ускуналари ишлатилмоқда. Ўт ўчиришнинг механизациялашган ва автоматлашган тизимлари тобора кенгрок қўлланилмоқда.

Лекин, ёнғин чиқишининг олдини олиш ва ўт ўчиришда асосий масъулият кишилар зиммасига тушишини ҳамда уларнинг ёнғинни ўчириш техникасининг барча талабларини тўлиқ бажарқилишига боғлиқ эканлигини унутмаслик керак. Ташкилот ва корхоналарда бу тадбирлар тартибли равишда, ёнғин техникаси ҳақидаги низом, ёнғин хавфсизлиги қоидалари, йўриқнома ва бошқа ҳужжатлар асосида олиб борқилиши шарт.

Республикаимизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман

марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини оголантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, ҳал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Цех, лаборатория, бўлим, омборхона, устаконалардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кўраш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кўраш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

➤ саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

➤ Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

➤ ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

➤ корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

➤ ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

➤ ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

➤ ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ишчилар, хизматчилар ва муҳандис-техник ходимларининг кўпчилиги жалб этилгандагина корхона, муассаса ҳамда ташкилотларда ёнғинга қарши

муваффаиятли кўраш олиб бориш мумкин. Бунинг учун ҳар бир объектда ёнғин-техник комиссияси тузилади. Комиссияга бош муҳандис, техник раҳбар ёки раҳбарнинг биринчи ўринбосари бошчилик қилади, уларнинг вазифаси қуйидагилардан иборат:

- ёнғинни олдини олиш қоидаларининг бузилишларини ва ёнғин чиқишига олиб келувчи камчиликларни аниқлаш, уларни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чиқиш;

- объектив ёнғиннинг олдини олиш тартибини ишлаб чиқиш ва уларни ўтказишда қатнашиш;

- ишчи-хизматчилар ва муҳандис-техник ходимлар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш тартиби ҳамда қоидалари бўйича оммавий тушунтириш ишини олиб бориш.

Бу вазифаларни бажариш учун ёнғин техник-комиссияси ишлаб чиқариш хоналари, электр жиҳозлари, шамолатиш, иситиш тизимлари ва шу кабиларни кўздан кечириб, қоида бузилишларини аниқлайди ҳамда уларни бартараф этиш муддатларини белгилайди; ишловчилар ўртасида ёнғиннинг олдини олиш мавзуларида суҳбатлар, лексиялар ўтказди; рационализаторлар ҳамда ихтирочилар учун мавзулар ишлаб чиқишда қатнашади; сеҳлар, бўлимлар, омборхоналар, лабораториялар ва ҳоказоларнинг ёнғинга қарши ҳолатини текширишга кенг жамоатчиликни жалб этади.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши кўрашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Таҷрибаларнинг кўрсатишича корхона сеҳларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуация қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуация қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жиҳатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона

жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилади.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жиҳатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.4. «Ўзагросуғурта» ДАСК Булунғур туман бўлимида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташҳис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқациз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқацизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг аҳамияти ва шундай ёрдам беришнинг қоидалари

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғриқ қолдирадиган дорилар юбориш, (шок маҳалида), ёниб турган кийимни учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогоз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкадан ўтказиш.

Биринчи медицина ёрдамини мумкин қадар эрта муддатларда кўрсатиш касаллик ва шикастнинг кейини қандай ўтиши ҳамда оқибати

нима билан тугаши учун, баъзида эса ҳаётни қутқариб қолиш учун ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир. Кўп қон кетиб турганда, одам злектр токидан шикастланган, сувга чўккан пайтида, юрак фаолияти тўхтаб, нафаси чиқмай қолган пайтда ва бир қанча бошқа ҳолларда биринчи медицина ёрдами дарҳол кўрсатилиши керак. Башарти талайгина одамлар бир йўла биринчи медицина ёрдами кўрсатилишига муҳтож бўлса, у ҳолда бундай ёрдам кўрсатишнинг муддатлари билан навбати белгиланади. Болаларга ва шу дамнинг ўзида ёрдам олмаса ўлиб қолиши мумкин бўлган шикастланганларга биринчи навбатда ёрдам кўрсатилади.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Аввал шикастланган одамнинг ҳаётии қутқариб қолишга имкон берадиган ёки биринчи медицина ёрдамининг кейинги усул-амалларини қўлланиш учун бажарилиши шарт бўлган усул-амаллар бажариладн. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Биринчи медицина ёрдамининг ҳамма усул-амалларини эҳтиёт бўлиб ва авайлаб бажариш лозим. қўпол ҳаракатлар қилинадиган бўлса, бу шикастланган кишига зарар қилиши ва унинг аҳволини ёмонлаштириб қўйиш мумкин. Биринчи медицина ёрдамини бир эмас, балки икки ёки бир неча киши кўрсатадиган бўлса, у ҳолда келишиб, иноқлик билан иш кўриш керак. Бунда ёрдам кўрсатаётганларнинг бири бошлиқ бўлиб, биринчи медицина ёрдамининг барча усул-амаллари бажарилишига раҳбарлик қилиб бориши лозим,

Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда табелдаги ва қўлда бор воситалардан фойдаланилади. Биринчи ёрдам кўрсатишда ишлатиладиган

табел воситалари боғлов материали—бинтлар, медицина боғлов пакетлари, катта ва кичик стерил боғламлар билан салфеткалар, пахта ва бошқа ашёлардир. қонни тўхтатиш учун қон тўхтатадиган жгутлар— тасмасимон ва найсимон жгутлар, иммобилизация қилиш учун эса махсус тахтакачлар — фанера шиналар, шотисимон, тўрсимон ва бошқа хилдаги шиналар ишлатилади. Биринчи медицина ёрдами кўрсатишда баъзи дори-дармонлардан фойдаланилади — ампулалар ёки флаконга солинган спиртдаги 5% ли ёд эритмаси, флаконга солинган спиртдаги 1—2% ли бриллиант яшили эритмаси, валидол таблеткалари, валериана настойкаси, ампулаларга солинган новшадил спирт, таблеткалар ёки порошок ҳолидаги натрий гидрокарбонат (ичимлик сода), вазелин ва бошқалар шулар жумласидандир. Зарарланиш ўчоқларида радиоактив заҳарловчи моддалар ва бактериал воситалар шикастидан шахсан сақланиш, профилактика қилиш учун индивидуал аптечка (АИ—2) дан фойдаланилади.

Санитар дружиналари ва саннтар постлари табел воситалари билан таъминланади. қурилиш ва ишлаб чиқариш участкаларнда, сеҳлар, фермалар ва бригадаларда, ўқув юртлари ва муассасаларда, аҳоли уюшган ҳолда дам оладиган жойларда биринчи ёрдам аптечкалари комплектланиб, тахт қилиб қўйилади. Одамлар ташиладиган транспорт воситалари, шунингдек, шахсий автомобиллар аптечкалар билан таъминланган бўлиши керак.

Биринчи ёрдам кўрсатиш учун қўлда бор воситалар сифатида қуйидаги нарсалардан фойдаланиш мумкин боғлам қўйиб боғлаш маҳалида—тоза чойшаб, қўй лак, газлама (яхшиси оқ газлама) дан; қонни тўхтатиш учун — жгут ўрнига шим камари ёки белбоғдан, газлама бурамадан; суяк синган маҳалларда шиналар ўрнида қаттиқ картон ёки фанер бўлаклари, тахта, таёқ ва бошқалардан фойдаланса бўлади.

Хулоса

Суғурта қилдирувчи ва наф олувчи суғурталанган мол-мулкнинг бут сақланишидан манфаатдор бўлмаган ҳолда тузиладиган суғурта шартномаси ҳақиқий ҳисобланмайди. Наф олувчи фойдасига тузилган суғурта шартномасида, унинг исми ёки номи кўрсатилмаслиги мумкин. Бундай суғурта шартномаси тузилганда оқ полис (олувчининг исми-шарифи кўрсатилмаган полис) берилади. Бундай шартнома бўйича ҳақ-хуқуқларни талаб қилиш учун суғурталовчига ушбу полис тақдим этилиши лозим.

Суғурта шартномасини тузиш вақтида суғурта қилдирувчи ва суғурталовчи айрим суғурталаш қоидаларини ўзгартириш ёки олиб ташлаш ёхуд шартномага суғурталаш қоидаларида бўлмаган шартларни киритиш ҳақида келишиб олишлари зарур.

Агар шартномада бошқа шарт белгиланмаган бўлса, суғурта полиси суғурта қилдирувчига нақд пулли ҳисоб-китобда суғурта мукофоти тўланиши биланоқ ёки нақд пулсиз ҳисоб-китобда суғурталовчининг ҳисоб-китоб рақамига пул келиб тушган кундан с ўнг 3 банк иш куни ичида берилади.

Ҳар иккала томон хоҳлаган вақтда суғурта шартномасини бекор қилиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳолатда мўлжалланган бекор қилиш муддатидан 30 кун олдин иккинчи томон сўнгги манзили бўйича ёзма равишда огоҳлантирилиши лозим.

Суғурта шартномасининг амал қилиш муддати тугаган ҳолда ва суғурта қилдирувчига суғурта суммаси тўлиқ тўлангандан сўнг агент журналга тегишли маълумотни, яъни суғурта шартномаси муддати тугаганлигини қайд этиши лозим. Бу кейинчалик мазкур суғурта қилдирувчидан, агар у суғурта мукофотини нақд пул шаклида тўлаётган бўлса, уни ундирмаслик, агар суғурта мукофоти пул ўтказиш йўли билан тўланаётган бўлса, суғурта қилдирувчи ташкилот ишлаётган ташкилотга тақдим этилаётган рўйхатга унинг фамилиясини киритмаслик учун зарур бўлади. Шундан сўнг агент

суғурталовчига шартнома муддати тугаётган суғурта қилдирувчилар рўйхатини топшириши лозим.

Суғурта қилдирувчи шартнома муддати тугаши муносабати билан суғурта суммасини олиш бўйича суғурталовчига ариза беради. Бунда ундан суғурта мукофоти тўлаш талаб этилмаслиги лозим. Суғурта шартномаси муддати тугашидан бир ой олдин суғурта агенти суғурталовчига шартнома муддати тугаётган суғурта қилдирувчилар тўғрисидаги рўйхатни бериши шарт. Мана шу муддат ичида агент шартнома тугаётган барча суғурта қилдирувчилар билан бевосита учрашиб, улардан суғурта полисини ва сўнгги марта тўланган суғурта мукофоти квитанциясини (агар суғурта мукофоти нақд пул шаклда тўланган бўлса), суғурта суммасини банкда очилган ҳисоб рақамига ўтказишини сўраб ёзилган аризасини (агар суғурта мукофоти нақд пулсиз шаклда тўланган бўлса) олиши муҳимдир.

Суғурта ташкилотларида суғурта қопламаларини ҳисобга олиш ўзига хос хусусиятга эга бўлганлиги учун ташкилот ҳисоб сиёсатида алоҳида белгилаб қўйиш керак бўлади. Бу жараён мураккаб ва серқирра бўлганлигини инобатга олган ҳолда, суғурта компанияси бошқа мутахассисларни ҳам жалб қилиши мақсадга мувофиқ бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. - Т.: Адолат, 1996 й. 560 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Нотариат тўғрисида”ги Қонуни.- “Норма” ҳуқуқий базаси.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги Қонуни. 2002 йил 5 апрел.- “Халқ сўзи”, 28 май.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сон қарори. -“Норма” ҳуқуқий базаси.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикасида транспорт воситалари ва бошқа ўзиюрар машина ҳамда механизмлар эгалари фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғуртаси тўғрисида” 1994 йил 30 декабрда қабул қилган 632-сонли Қарори (мазкур Қарорга Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 27 ноябрдаги 413-сонли Қарори билан қўшимча ва ўзгартиришлар киритилган). -“Норма” ҳуқуқий базаси.
6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Хорижий автотранспорт воситаларининг Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудида бўлишининг қўшимча шартлари тўғрисида” 2000 йил 12 январ 11-сонли Қарори. //“Норма” ҳуқуқий базаси.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Суғурта бозорини янада эркинлаштириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2002 йил 31 январдаги ПФ-3022-сон Фармони. //Халқ сўзи, 2002 йил 1 феврал.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзагросуғурта” давлат-аксиядорлик суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида” 1997 йил 25 февралдаги Фармони. //Халқ сўзи, 26 феврал.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекинвест” экспорт-импорт миллий суғурта компаниясини ташкил этиш тўғрисида” 1997 йил 18 февралдаги Фармони. //Халқ сўзи, 1997 йил 19 феврал.

- 10.Каримов И.А. Ўзбекистон иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш йўлида. – Т.: Ўзбекистон, 1995 й. 269 б.
- 11.Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. 686 б.
- 12.Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. — Т.: Ўзбекистон, 1999. 410 б.
- 13.Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилоқда. – Т.: Ўзбекистон, 1999. 48 б.
- 14.Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин фаровон ҳаёт — пировард мақсадимиз. – Т.: Ўзбекистон, 2000 й. 528 б.
- 15.Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. – Т.: Ўзбекистон, 2001. 432 б.
- 16.Каримов И.А. Асосий вазифамиз – ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. – Т.: Ўзбекистон, 2010. –Б. 43.
- 17.Каримов И.А. Эришган марраларимизни мустаҳкамлаб, ислохотлар йўлидан изчил бориш – асосий вазифамиз. //Халқ сўзи, 2004 йил 10 феврал.
- 18.Каримов И.А. Тинчлик ва ҳавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. – Т.: Ўзбекистон, 2004.
- 19.Каримов И.А. Янги ҳаётни эскича қараш ва ёндашувлар билан қуриб бўлмайди. //Халқ сўзи, 2005 йил 17 феврал.
- 20.Абдуллаев Ё., Баймуратов Т.М. Суғурта фаолиятини солиққа тортишда дунё талаблари даражасига эришиш. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2003 йил 3-сон. 50-51 б.
- 21.Абдурахмонов И.Х., Тошбеков М.М. Жавобгарлик суғуртасининг бозор иқтисодиётидаги аҳамияти. //Молия. 2004й. 4-5 .
- 22.Абдурахмонов И.Х., Шеннаев Х.М. Инвестиционная деятельность страховых компаний. // Риннок, денги и кредит, 2003 год №5. стр. 41-44.
- 23.Абрамов В.Ю. Страхование: теория и практика. – М.: Волтерс Клувер, 2007. - 512 с.

- 24.Ашрафханов Б., Мирсадиков М. Развитие страхового законодательства республики. // Ринок, денги и кредит, 2002 г. №11-12. стр.30-32.
- 25.Ашрафханов Б., Мирсадиков М. Основные тенденции развития страхового рынка Узбекистана. // Ринок, денги и кредит, №4 2002 г. с.24-27
- 26.Ашуров М.Х. Хатарларни бошқариш – санъат. // Бозор, пул ва кредит, №6 2002 й. 29-30 бетлар.
- 27.Баймуратов Т.М. Суғурта тизимида маркетинг ва мониторинг дастурлари ишлаб чиқилиши. // Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси, 2001 йил 4-5сон. 33-34 бетлар.
- 28.Баймуратов Т.М. Суғурта фаолиятида рисклар трансфери. – Т.: Иқтисод-молия, 2005. – 196 б.
- 29.Баймуратов Т.М. Суғуртавий кафилик хизмати бозори: рисклар трансфери ва трансформацияси. // Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги, 2001 йил 3-сон. 36-37 бетлар.
- 30.Балабанов И.Т. Риск-менеджмент. – М.: Финанси и статистика, 1996 г. 192 с.
- 31.Бендина Н.В. Страхование. – М.: Приор, 2000 г. 215 с.
- 32.Бесфамилная Л., Сиганов А. Управление рисками и страхование ипотечной деятельности. // Страхование дело, №1 2001 г. стр.22-24.
- 33.Бланд Д. Страхование: принципы и практика. – М.: Финанси и статистика, 2000 г. 416 с.
- 34.Бланд Д. Страхование: принципы и практика. – М.: Финанси и статистика, 1998. – 413 с.
- 35.Боев Х., Мирзоев С. Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ва шахсий суғурта. //Бозор, пул ва кредит, 2002 йил 2-сон. 38-39 бетлар.
- 36.Гвозденко А.А. Страхование: учебник. – М.: Проспект, 2006. - 464 с.
- 37.Дементев В. Современное положение на страховых рынках скандинавских стран. // Страхование дело, №10 1999 г. стр.44-48.
- 38.Джакупов М. Страховой рынок Ўзбекистана: механизм регулирования. //Ринок, денги и кредит, 2003 год №5. стр.38-40.

- 39.Имомов Ш.Б. Суғурта-иктисодиётни ҳимоялаш ва ривожлантиришнинг муҳим омили. //Халқ сўзи, 2002 йил 27 ноябр. 1-2 б.
- 40.Корчевская Л.И., Турбина К.Е. Страхование от А до Я. Книга для страхователя. – М.: ИНФРА-М, 1996 г. 624 с.
- 41.Маликов Т.С, Шеннаев Х.М. Суғурта ва унинг афзаллиги нимада?. //Жамият ва бошқарув, 2003 йил 3-сон. 37-39 б.
- 42.Миллерман А.С. Теория и управление рисками в страховании. – М.: Финанси и статистика, 2002 г. 224 с.
- 43.Николенко Н.П. Страхование финансовых рисков. //Банковское дело, №5 1999 г. с. 24-27.
- 44.Орланюк-Малицкая Л.А. Страхование: учебник. – М.: Высшее образование, 2010. - 828 с.
- 45.Основы страховой деятельности. Учебник под.ред. проф. Федорова Т.А.. – М.: РСК, 2001 г. 768 с.
- 46.Пастухов Б. Страхование может стать локомотивом подъема экономики. – Финансист, №2 1999 г. стр.35-36.
- 47.Плешков А.П., Орлова И.В. Очерки зарубежного страхования. – М.: Анкил, 1997 г. 200 с.
- 48.Пфайфер К. Введение в перестрахование. – М.: Анкил, 2000 г. 160 с.
- 49.Риловский С.М. Страхование. – М.: Инфра-М, 2001 г. 160 с.
- 50.Саркисов С.Е. Личное страхование. – М.: Финанси и статистика, 1996 г. 96 с.
- 51.Сафронов А. Страхование ответственности. //Страховое дело, №2 1997 г.
- 52.Сербиновский Б.Ю. Страховое дело. – Ростов на Д.: Феникс, 2000 г. 384 с.
- 53.Собиров Ҳ.Р. Суғурта: 100 савол ва жавоб. – Т.: Мехнат, 1998 й. 160 б.
- 54.Теория и практика страхования. Учебное пособие. (Под.ред. К.Е.Турбина) - М.: Анкил, 2003 г.. - 704 с.
- 55.Тоҳиров А. Суғурта хизмати янги босқичда. // Халқ сўзи, 2002 йил 25 апрел.
- 56.Федорова Т.А. Страхование. – М.: Магистр, 2008. - 699 с.

- 57.Хохлов Н.В. Управление риском: Учебное пособие для вузов.— М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. 239 с.
- 58.Шахов В.В. Введение в страхование. М.: Финансы и статистика 2001. – 566 с.
- 59.Шахов В.В. Страхование. Учебник для вузов. - М.: ЮНИТИ, 2001. 311 с.
- 60.Шеннаев Х.М. Страховая система Ўзбекистана: этапы становления. //Ринок, денги и кредит, №6 2004 г. стр.13-15.
- 61.Шеннаев Х.М. Суғурта сизга нима беради. – Т.: Фан ва технологиялар, 2003 й. 106 б.
- 62.Шеннаев Х.М. Ўтиш даври иктисодиётида суғурта масаласи ва уни такомиллаштириш. //Бозор, пул ва кредит, 2005 йил 3-сон. 23-25 б.
- 63.Шинкаренко И.Е. Страхование ответственности: Справочник. – М.: Анкил, 2006. – 416 с.
- 64.Шихов А.К. Страхование. – М.: Юнити, 2000 г. 431 с.
- 65.Юлдашев Р. Страховой бизнес. Словарь-справочник. – М.: Анкил, 2000. 272 с.
- 66.Интернет сайтлари
- www.allinsuranke.ru.
- www.bankreferatov.ru.
- www.doklad.ru.
- www.alfastrah.ru.
- www.insuranke2000.ru.
- www.reso.ru.
- www.unik.gov.
- www.kafolatdask.uz.
- www.agros.uz.